## **ТЕХНОЛОГИЯ МОНТАЖА СООРУЖЕНИЯ ОПОР КОНТАКТНОЙ СЕТИ СКОРОСТНЫХ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ**

*Лесов К.С. – к.т.н., доцент кафедры «Строительство железных дорог, путь и путевое хозяйство», ТашИИТ, Илмуродов А.М доц кафедры «Технология и организация строительства», СамГАСИ. Хушназаров О.Б., ст. преподаватель кафедры «Технология и организация строительства», ТАСИ.*

В условиях республики Узбекистан значение электрификации повышается из-за недостаточности собственных нефтепродуктов и постоянно растущей стоимости дизельного топлива для тепловозной тяги. В ряде случаев возникает ситуация когда поезда пускают по длинному пути, при наличии короткого, если первый путь электрифицирован. Одним из эффективных мероприятий существенно повышающим провозную способность и снижающим себестоимость перевозок является электрификация железных дорог.

В настоящее время одной из главных задач транспортных строителей независимого Узбекистана является электрификация основных направлений железных дорог республики.

При электрификации действующей железной дороги основными строительными работами являются: сооружение опор контактной сети, монтаж цепной контактной подвески и сооружение тяговых подстанций. Все эти сложные работы требуют тщательной подготовки и наличия профессиональных навыков.

Для подготовки и проведения строительно-монтажных работ используют существующие железнодорожные устройства (путь, устройства связи и др.). Работы выполняют в точно предоставленное время, свободное по графику от движения поездов на перегоне или станции в «окно».

Важнейшим элементом устройств электроснабжения является контактная сеть - на ее долю приходится более 30 % всех затрат, связанных с электрификацией железной дороги. На перегонах она состоит из следующих основных элементов (рис. 1): опор 4; поддерживающих устройств (консолей 6 на перегонах и жестких или гибких поперечин на станциях); фиксирующих устройств (фиксаторов 10 и кронштейнов 5), закрепляющих положение контактного провода в плане; контактной подвески, состоящей из несущего троса 7 и подвешенного к нему посредством струн 8 контактного провода 9, устройств заземления 3, соединяющих стальные детали на опорах с обратной рельсовой цепью; анкерочных устройств.

Опоры контактной сети бывают железобетонными и металлическими. У нераздельных опор (рис. 1, а) роль фундамента выполняет нижняя часть, выполненная с обычной 2 или обратной 11 коничностью. Обычные конические опоры контактной сети устанавливают в котлованы, подготовленные котлованокопателем, буровой машиной или вручную с использованием средств малой механизации. При необходимости фундаментную часть усиливают лежнями 1 или опорными плитами.

Для установки раздельных опор (рис.1, б) контактной сети применяются фундаменты 11 блочные бетонные и железобетонные, свайные железобетонные, монолитные бетонные и железобетонные, буронабивные.

Для скоростных и высокоскоростных железных дорог (для обеспечения скоростей движения поездов до 250 км/ч) разработан новый тип раздельных опор, состоящих из унифицированных железобетонных стоек и клиновидных фундаментов. Особенностью этих опор является то, что стойки с анкерными выпусками в основании крепятся к фундаменту 11 с помощью переходного элемента - стального башмака 12 (рис. 1, б).

Работы по сооружению опор контактной сети планируются проводить, имея опорную базу на станции примыкания. На этой же станции должны быть тупики для стоянки и ремонта установочного поезда и котлованокопателя ВК-3.

Для сооружения опор контактной сети должен быть укомплектован один установочный поезд в составе:

- тепловоз – 1 шт.
- котлованокопатель ВК-3 – 1 шт.
- габаритный железнодорожный кран – 1 шт.
- классный вагон – 1 шт.
- четырехосная платформа – 2 шт.
- полувагон – 2 шт.




Рис.1 Конструкция консольной опоры контактной сети нераздельного (а) и раздельного (б) типов: 1 – лежень; 2 – подземная часть опоры (фундамент); 3 – провод заземления; 4 – надземная часть опоры; 5- кронштейны фиксатора; 6 – консоль; 7 – несущий трос; 8- вертикальные струны; 9 – контактный провод; 10 –фиксатор; 11 – фундамент раздельной опоры; 12 – башмак; 13 – стойка; ГР – головка рельса; УОФ –уровень обреза фундамента.

Подсчитываются объемы работ по фундаментам, опорам и поперечинам. До начала монтажных работ по установке опор контактной сети производятся разбивочные работы, и определяется местоположение опор. Координаты опор фиксируются на шейке рельса масляной краской с указанием номера, типа и габарита установки.

Перед началом рабочего дня руководитель работ (прораб, мастер) знакомит бригаду с заданием на следующий день, а также границами действия каждой машины и проводит инструктаж по технике безопасности.

Поскольку работы производятся на участке действующего железнодорожного крана, требования безопасности должны соблюдаться по всей строгости: выезд разрешается дежурным по станции после осмотра и получения справки вагонного осмотрщика об исправности тормозов. К каждому звену выдается карточка-задание, по которой машинисты уточняют границы действия своих машин в соответствии со схемой последовательности работы. В карточке-задании есть все проектные данные на планируемый объем работ (номера устанавливаемых опор, габариты, глубина замечания и др.).

В соответствии с карточкой-заданием на базе грузятся опоры, фундаменты, анкера, оттяжки и т.д. Опоры грузятся в полувагон в порядке обратном установке, фундаменты и анкера на платформу.

Разработка котлована машиной ВК-3 осуществляется в следующем порядке: после прибытия к месту работ, машинист останавливает машину так, чтобы оси поворотного круга и котлована совпадали. Затем устанавливают поворотную ферму перпендикулярно пути, опускают гидравлические опоры до упора, переводит рабочий орган из горизонтального положения в вертикальное. После этого опускают рабочий орган на грунт, включает транспортер, ковшовой цепь и разрабатывает котлован.

По достижении проектной отметки глубины срабатывают концевые выключатели и ковшовые цепи останавливаются. Рабочий орган поднимается из котлована и механизм из рабочего положения переводится в транспортное, в котором следует к другому котловану.

Установка трехлучевых фундаментов и анкеров готовые котлованы должны быть обеспечена обратной засыпкой пазух котлована с тщательным трамбованием слоев толщиной не менее 20 см. Трехлучевые анкера следует устанавливать в котлованы, ориентируя их одним уширенным лучом в сторону оттяжки (анкерной опоры). При работе в «окно» фундаменты и анкера, установленные в котлованы засыпают грунтом на глубину не менее 1,5 м с послойным трамбованием.

Окончательное закрепление в котлованах фундаментов и анкеров с засыпкой грунтом на всю глубину котлована выполняет отдельное звено вне «окна».

Установку железобетонных опор выполняют железнодорожным краном. Строповку и установку опор выполняет при помощи универсального стропа «сплошная петля» диаметром 16 мм оборудованного стальным кольцом, позволяющим опустить опору в фундамент (котлован) без перестроповки. Опуская крюк крана устанавливаемую опору расклинивают, а затем расстроповывают.

В случае, когда устанавливают в котлован, то ее засыпают на глубину не менее 1,5 м с последовательным трамбованием слоев не более 20 см. Окончательное закрепление опор в стальных фундаментах (бетонирование) или засыпка в котлованах выполняется отдельной бригадой вне «окна».

Регулировку опор целесообразно выполнять с помощью кранов при их установке. Наклон опоры относительно вертикали не должен превышать 2% длины в сторону, противоположную действию основных нагрузок, и 1% вдоль оси пути для анкерных опор. Для этих же опор наклон не должен превышать 0,5% в сторону, противоположную действию основных нагрузок.

Анкерные оттяжки устанавливают вручную. Кронштейны к анкерной опоре крепят на земле или после установки опоры с приставкой лестницы (на железобетонных конических опорах). При установке нижнего кронштейна допускается отклонение по высоте  $\pm 100$  мм. Устройства узла крепления тяг оттяжек к анкеру обеспечивает регулировку длины тяг. Натяжение регулируют, используя имеющуюся на них резьбу. Работы по рытью котлованов с установкой опор должны выполняться в соответствии с рабочими чертежами и «инструкцией по производству и приемке строительных и монтажных работ при электрификации высокоскоростных железных дорог (устройства контактной сети)» ВСН 446-Н-2010. Качество выполняемых работ контролируется мастером в соответствии с картами пооперационного контроля качества.

## **БЫСТРОВОЗВОДИМЫЕ МАЛОЭТАЖНЫЕ ЖИЛЫЕ ЗДАНИЯ ИЗ ЛЕГКИХ КОНСТРУКЦИЙ И ИХ ТЕПЛОЗАЩИТНЫЕ КАЧЕСТВА**

*К.т.н. доцент М.М. Махмудов (СамГАСИ)*

In article analyzed construction condition of residential buildings made of modern lightweight structures abroad and in Uzbekistan and thermal protective qualities of some of their constructive decisions.

Современная практика строительства во многих странах мира выявила новое прогрессивное направление развития строительной индустрии — массовое применение легких конструкций для малоэтажных зданий. К таким конструкциям относятся легкие стальные тонкостенные конструкции (ЛСТК). Из них изготавливают несущие и ограждающие конструкции малоэтажных жилых зданий, надстройки и мансарды при реконструкции жилого фонда. Целесообразно их применение при строительстве зданий в районах с высокой сейсмичностью и с плохими грунтовыми условиями.

В некоторых странах ближнего зарубежья, например, в России в настоящее время в полную мощь работают специализированные компании по производству конструкций из ЛСТК, такие как «ИНСИ», «БАЛТ ПРОФИЛЬ», «АРСЕНАЛ-СТ», «ГЕНЕЗИС-Тула», «КВИК-ХАУС», «ПОЛИМЕТАЛЛ-М», «СТАЛДОМ». Оборудование для изготовления профилей и конструкций поставляют Россия, Финляндия, Новая Зеландия, Корея и Китай.

Современная Технология Альтернативного Легкосборного Домостроения (СТАЛДОМ) состоит из следующих подсистем: несущие стены с каркасом из профилей швеллерного и С-образного сечений с перфорированной стенкой (термопрофилей) и теплоизоляцией из минераловатных плит; конструкции междуэтажных и чердачных перекрытий из тонкостенных профилей; несущие стропильные конструкции из легких стальных оцинкованных профилей.

Профили, применяемые для изготовления металлических элементов каркаса зданий, выполняются из рулонной оцинкованной стали толщиной от 0,5 до 3 мм с пределом текучести от 250 до 350 МПа. Толщину цинкового покрытия стали для профилей ЛСТК принимают из расчета не менее 275 г на 1 м<sup>2</sup>. Оцинкованная сталь для изготовления ЛСТК может иметь защитно-декоративное полимерное или лакокрасочное покрытие. Согласно исследованиям английской компании "Бритиш Стил", 275 г/м<sup>2</sup> цинка достаточно для обеспечения долговечности примерно в 100 лет [1].

Анализ распределения технологий и материалов, применяемых в малоэтажном строительстве в Узбекистане, показал, что в настоящее время доля кирпичного домостроения очень высока. Строительство зданий и сооружений из легких стальных тонкостенных конструкций в этом статистическом материале отсутствует. Причин, по которым это происходит, достаточно много, одна из них заключается в том, что технология малоэтажного строительства из ЛСТК меняет систему строительства, превращая сборку и монтаж на площадке в этапы конвейерного индустриального производства. Не все строительные компании хотят изменить принципы затратного механизма и долгостроя. На наш взгляд, пришло время подумать о том, как получить недорогой квадратный метр при помощи индустриальной, высокопроизводительной и малозатратной технологии.

Альтернативность строительства из ЛСТК заключается в применении металлических каркасов и в отказе от применения мокрых строительных технологических процессов. ЛСТК оценивается как индустриальная высокоэффективная технология, которая дает возможность вести строительные-монтажные работы круглый год. За счет низких весовых параметров достигается сокращение применения грузоподъемных механизмов, а в некоторых случаях их исключение. В случае, когда материалы и комплектующие изделия будут изготовлены в заводских условиях и будут иметь стандартные размеры, создаются условия безотходной сборки домов. Зарубежный опыт строительства зданий из ЛСТК показывает, что для сборки одного дома площадью 120–150 кв.м требуется бригада не более чем из пяти человек [2]. Основные материалы, используемые при строительстве по технологии ЛСТК: тонколистовая сталь, винты-саморезы, минераловатный утеплитель, гипсокартон, пароизоляционные пленки и диффузионные мембраны, - стандартный набор для любого строителя. Конструкция стены позволяет использовать для внешней отделки любые материалы: кирпич, сайдинг (рис.1) и т.п.



*Рис.1. Жилом дом, возведенный с каркасом из ЛСТК, с облицовкой из кирпича и сайдинга.*

В СамГАСИ под руководством автора проводились исследования по изучению возможности применения в стенах с каркасом из гнутых профилей и обшивкой с внутренней стороны двумя слоями ГКЛ и снаружи из пластиковым сайдингом в качестве теплоизоляции пенобетона плотностью 400 кг/м<sup>3</sup>, состав которого был предложен и изготовлен ООО «ALINA INUEST», а также материалов, получаемых на основе древесных стружек с использованием цемента и гипса [3], [4]. Результаты исследований показали, что теплозащитные качества

наружных стен с такой теплоизоляцией с каркасом из гнутых профилей при высоте сечения их 200 мм соответствуют к второму уровню теплозащиты зданий, т.е. их можно отнести к категории энергоэффективных конструкций.

Применение ЛСТК в строительстве малоэтажного жилья имеет следующие неоспоримые преимущества перед конструкциями из традиционных материалов (например, из кирпича), а именно:

- значительное снижение массы конструкций и нагрузок на фундаменты;
- сокращение трудозатрат на транспортировку и монтаж конструкций;
- отсутствие кранов и других подъемных механизмов на монтаже;
- отсутствие сварки и мокрых процессов после выполнения нулевого цикла;
- сокращение сроков строительства;
- снижение стоимости 1 кв. м полезной площади.

Следует отметить, что в Узбекистане тоже начато строительство зданий с применением легких конструкций, точнее со стенами их цементных сэндвич-панелей, выпускаемых ООО «SAM ROS XOLOD» (рис.2).



Рис. 2. Жилые дома из цементных сэндвич-панелей: а – построенный дом со скрытым металлическим каркасом; б – строящийся дом со железобетонными стойками в углах наружных стен.

Общая толщина стеновых панелей 150 мм, номинальная ширина 1150 мм. Внешние слои панели толщиной 10 мм выполнены из цементно-песчаного раствора с полимерной добавкой и армирующей сеткой из стекловолокна. Средний слой панели выполнена из пенополистирола плотностью 40 кг/м<sup>3</sup>. Жесткость панели обеспечивается продольными ребрами толщиной 10 мм из этого же раствора, расположенными на расстоянии 220 мм друг от друга.

Во втором экспериментальном доме для обеспечения пространственной устойчивости здания в углах наружных стен предусмотрены железобетонные стойки (рис. 3).




Рис.3. Фрагмент угла наружной стены (а) и её расчетная схема для расчета температурного поля в нем (б): 1...5 расчетные точки.

Результаты температурного поля угла наружной стены показывают, железобетонная стойка, расположенная в углу здания, играя положительную роль в обеспечении его прочности и устойчивости, отрицательно влияет на теплозащитные качества наружных стен (рис. 4). Уже при температуре наружного воздуха ниже +10<sup>0</sup>С температура на внутренней поверхности в углу стены снижается ниже температуры точки росы, определяемой для расчетных условий внутреннего воздуха жилого помещения ( $t_e = 20^0C$  и  $\varphi_e = 55\%$ ), равной  $\tau_p = 10,7^0C$ , что может являться причиной образования конденсата на поверхности стены.

Для предотвращения такого нежелательного явления следует утеплять угол наружной стены снаружи влагостойкими плитными эффективными теплоизоляционными материалами и штукатуркой.

*Литература:*

1. Возведение зданий с использованием легких стальных тонкостенных конструкций (ЛСТК) : [Электронный ресурс] / Режим доступа : <http://lgu.ru/>
2. Новые технологии строительства малоэтажных зданий с применением тонкостенных стальных профилей: [Электронный ресурс] / Режим доступа : <http://www.know-house.ru/>.
3. Махмудов М. Теплоустойчивость наружных стен с каркасом из гнутых профилей, с заполнением из пенобетона и стружкобетона / М.М. Махмудов, М.З. Юзбоева // Проблемы архитектуры и строительства Узбекистана. - 2015. № 4. –с.68-71.
4. Махмудов М. Кам қаватли турар-жой бинолари енгил юпқа пўлат ташиқи девор конструкциясининг ўзига хос томонлари / М.М. Махмудов, Ф.Р. Сапарова // Архитектура ва қурилиш муаммолари. - 2012, № 2, 58-60 б.




Рис.4. Влияние железобетонной стойки на температурный режим наружной стены: 1 - график изменения температуры на внутренней поверхности угла стены в зависимости от температуры наружного воздуха; 2 - температура точки росы для условий  $t_e = 20^{\circ}\text{C}$  и  $\phi_e = 55\%$ .

## БИНОЛАРНИНГ ДЕВОРЛАРИНИ ЦОКОЛ ОРКАЛИ ЎТАДИГАН НАМЛИКДАН САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мадатов А.М., т.ф.н., доцент, Очилов Н.О., инженер., Мардонов Х.М. (СамДАҚИ),  
Мадатов Ў.А. (СамДУ)

**Abstract:** The results of the natural research work to identification of influence of horizontal design of walls waterproofing on a capillary rising of moisture are analyzed in this article. Conclusions based on the research work and recommendations about the device of walls waterproofing by using local materials are given.

Эксплуатациядаги бино ва иншоатларнинг техник ҳолатини ўрганишга қаратилган изланишлар натижалари ва уларни эксплуатация қилиш даврида тўпланган архив маълумотлари шуни кўрсатадики, аксарият аввал қурилган биноларнинг, меъморий обидаларнинг техник ҳолати ёмонлашган, уларнинг айрим қисмларида нотекис чўкишлар юзага келган. [1,2]. Натижада, бино ва иншоатлар деворларида ёриклар пайдо бўлган, баланд минораларининг вертикалдан сезиларли огишлари ва нотекис чўкишлари ҳам кузатилмоқда. Бу ҳолатларнинг асосий сабабларидан бири, атроф муҳитда вужудга келаётган техноген омиллар бўлиб, булар қаторида, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, қор – ёмғир сувларининг махсус ариқчалар орқали тўғри оқиб чиқиб кетилиши таъминланмаганлиги натижасида, замин грунтларининг намлиги ошиб, улар умумий деформациясининг ўсишини ҳамда биноларнинг цокол қисмидан капилляр намликнинг девор бўйлаб кўтарилиши ва иссиқ совуқ таъсирида деворларнинг цокол усти қисмида нурашини таъкидлаш лозим.

Эксплуатациядаги бино ва иншоатларнинг умрбоқийлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда уларнинг замин ва пойдеворларини ўрганиб, техник ҳолатини баҳолаш, зарур бўлган ҳолларда эса уларни кучайтириш лозим бўлади. Бино ва иншоатлар техник ҳолатини баҳолашнинг асосий мақсади уларни эксплуатация қилиш бўйича оптимал режим ўрнатишдир. Бино ва иншоатларни рационал техник эксплуатация қилиш муаммоси, асосан уларни кам эксплуатацион харажатлар билан қониқарли техник ҳолатда ушлаб туришга қаратилган. Ҳозирги вақтда кўпчилик эксплуатациядаги бино ва иншоатларнинг техник ҳолати бўйича маълумотлар базаси мавжуд эмас. Айниқса, замин ва пойдеворларнинг ҳолати бўйича, бино ва иншоатлар пойдеворлари қуйилиши чуқурлигини, товонининг ўлчамларини, замин грунтларининг физик – механик кўрсаткичларини билмасдан туриб, улар замин ва пойдеворларнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилиги даражасини ва бутун бино–пойдевор–замин системасининг ишончлилигини баҳолаб бўлмайди.

Бино ва иншоотларнинг техник ҳолати ёмонлашувига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири бўлган деворларни намликдан сақлаш муаммоси ҳозирги вақтда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Деворларда захликни вужудга келиши мураккаб физик-кимёвий жараён бўлиб, кўпгина омилларга боғлиқдир. Улар қаторида пойдевор ва девор ашёларининг тури, сифати, замин грунтларининг тури, зичлиги, кимёвий таркиби, табиий намлиги, ер ости сувларининг сатҳи, уларнинг қурилиш ашёларига нисбатан агрессивлиги, атроф-муҳит ҳарорати, уни ўзгариши ва ниҳоят, намликдан ҳимоялаш учун кўрилган чора тадбирлар тури, сифати, қўлланилган ашёларнинг умрбоқийлиги, уларни ҳимоялаш учун кўрилган чора тадбирлар ва хоказоларни таъкидлаш лозим.

Эксплуатациядаги бино ва иншоотларнинг ер ости ва усти қисмларининг намланиши уларнинг узоқ муддатли мустаҳкамлигига салбий таъсир қилади. Шунинг учун гидроизоляция ишлари бино иншоотларнинг ер ости ва усти қисмларини нам ўтишдан ҳимоя қилиш учун бажарилади [3]. Гидроизоляция бинолар, иншоотлар ва жиҳозларнинг нормал эксплуатациясини таъминлаб, уларнинг ишончилигини ва узоқ муддатга хизмат қилишини кафолатлайди.

Маълумки, ер ости сувлари химиявий моддаларнинг енгил эритмаси ҳисобланади. Бу моддаларнинг айримлари маълум концентрацияларда пойдеворлар бетонлари ҳамда девор ғиштларига нисбатан агрессив муҳитни ҳосил қилади. Агрессив ер ости сувлари таъсирида пойдеворларнинг бетонлари емирилади, арматуралари очилиб қолиб, коррозияга учрайди, деворнинг ғиштлари ҳам нам таъсирида емирилиб бошлайди. Бу жараённинг интенсивлиги ер ости сувларининг агрессивлик даражасига ва турига, замин грунтларининг сув ўтказувчанлигига, пойдевор орқали сувнинг силжиш тезлигига, бетоннинг зичлигига, унда ёриқларнинг, айниқса чўзилувчи зонасида мавжудлигига ва конструкциянинг қалинлигига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда қурилиш амалиётида грунтда жойлашадиган конструкциялар учун ер ости сувларида химиявий моддаларнинг маълум рухсат этилган чегаравий меъёрий микдорлари ўрнатилган [4]. Сувдаги химиявий моддаларнинг концентрацияси шу меъёрий микдорларга етса ёки ошса, ер ости суви бетонга нисбатан агрессив ҳисобланади. Бетонга нисбатан бундай сувларнинг агрессивлигини камайтириш учун, шу агрессивликга кўпроқ чидамли бўлган цементлар қўлланилади (масалан, сульфатларга чидамли портландцементлар, барий таркибли портландцементлар ва ҳаказолар) ва бетонлар максимал даражадаги зичликда барпо қилинади.

Агар жуда юқори зичликдаги бетон олишнинг иложи бўлмаса, пойдеворларни ер ости сувларининг агрессив тасиридан изоляция қилишга тўғри келади. Бунда пойдеворларни остки қисмидан гидроизоляция қилишга алоҳида эътибор берилади. Чунки, пойдеворнинг пастки ишчи арматураси юпқа бетон қатлами билан ҳимояланган. Бунинг учун монолит пойдеворларни барпо қилишда, гидроизоляция грунтга зичлаб чўктирилган, чақиқ тошли тўшама қатлам устидан битум қуйилган ёки асфальт ётқизилган ҳолда ҳосил қилинади. Айрим ҳоллардагина, чақиқ тошли тўшама қатлам устидан текисловчи қум-цементли қоришмалли қатлам ётқизиблиб, устидан рулонли гидроизоляция қилинади. Бетоннинг ён тарафидан емирилиши хавфи камроқ, шунинг учун пойдеворлар меъёрий ҳужжатларнинг тавсиясига асосан ён томонидан икки марта қора боғловчи ёки полимерсмодали мастика билан суркалади.

Агрессив шароитларда бинонинг деворларини пойдевор орқали шимиладиган капилляр сувлардан мукамал ҳимоя қилиш зарур. Лекин кейинги йилларда бинолар ва иншоотлар замини грунтларининг намлиги ошиши натижасида ҳамда пойдевор ва девор ўртасидаги гидроизоляция қатламининг бузилиши натижасида, уларнинг техник ҳолати ёмонлашуви ҳоллари кузатилмоқда. Бу ҳолатларнинг асосий сабаблари, бир томондан ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, қор-ёмғир сувларининг тўғри ташкил қилиниб, бинолар атрофидан олиб чиқилиб кетилмаслиги натижасида, қолаверса айрим ҳолларда муҳандислик коммуникацияларидаги носозликлар туфайли улардан сувнинг оқиши натижасида, замин грунтларининг намлиги ошиб, улар умумий деформациясининг ўсиши бўлса, иккинчи томондан айрим ҳолларда пойдеворнинг гидроизоляцияси бузилиши натижасида, деворга намлик кўтарилиши ва иссиқ совуқ таъсирида девор ғиштлари орасидаги цемент-қумли ёки ганчли қоришмалар нураб, деворнинг захлаган қисмларида қисман сиқилиш деформацияси юзага келишидир. Ђишт девор қоришмасидаги бу сиқилиш, (эзилиш) деформацияси ва замин грунтининг деформацияси кўшилиб, умумий деформациясининг маълум бир қийматларида, деворнинг айрим қисмларида юзага келган кучланишга бардош бераолмай, девор бўйлаб вертикал, юқори қисмида кенгаювчи ёриқлар пайдо бўлиши ва ўша кесимларда пойдеворнинг чўкиши ҳоллари кузатилаяпти. Булар эса замин грунтларининг чекли мувозанати ҳолати бузилганлигидан далолат беради.

Капилляр сувларнинг грунтлар ёки турли ашёлардаги тик ҳаракатини аниқлайдиган бирор


бир назарий ечим мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби, таъсир этувчи омилларнинг ниҳоят кўплигигина эмас, уларнинг ўзгарувчанлиги, яъни тасодифий миқдорлар эканлиги ҳамдир. Масалан, мавжуд манбалардаги маълумотларни қиёсий таҳлили натижасида таъкидлаш мумкинки, “эркин” сувларнинг тик ҳаракати (капилляр кўтарилиши), грунтларнинг турига, зичлигига, табиий намлигига, ғовакликларнинг жойлашиш тартибига, қаттиқ заррачаларининг ўлчамига, кимёвий таркибига, муҳитнинг (грунт, сув, ҳаво) ҳароратига ва унинг ўзгаришига, “эркин” сув босимига, ер ости суви сатҳининг чуқурлигига ва ҳоказо каби омилларга боғлиқ. Зикр этилган омилларнинг сонли кўрсаткичларини ҳар бир ўзгарувчан ҳолат учун аниқлаш мумкин эмас. Демак, масалани назарий усулда ҳал этиб бўлмайди, уни ечиш учун “тажриба-синов” усулигагина таяниш мумкин.

Тадқиқотлар доирасида намликнинг капилляр кўтарилишига гидроизоляция конструкциясининг таъсирини ўрганиш мақсадида, бино ва иншоотлар деворларини намликдан муҳофаза этиш муаммосига бағишланган илмий тажриба – синов ишлари махсус тажриба полигонда бажарилди [5]. Бу натуравий тажриба синовларида турли конструкцияли капиллярлик сувини ўтказмайдиган гидроизоляция қатламлари барпо қилиниб (1-расм), деворнинг пойдевор устки қисмларида, намликнинг ўзгариши вақт мобайнида кузатиб борилди. Барча тажрибаларда пойдевор товони сатҳидан бир хил баландликкача сув ушлаб турилди.

Ўтказилган тажрибалар натижалари шуни кўрсатаёпдики, қалинлиги 1см бўлган қум – цементли қоришма устидан хом ғиштли девор терилган ҳолида (№ 1 схема), гидроизоляция қатлами 3см бўлган қум-цементли қоришмага (№ 4 схема) нисбатан дастлаб намлик кўпроқ бўлди, бу мантиқан тўғри, кейинчалик эса, 4-5 ой муддатдан сўнг, қум – цементли қоришмасининг қалинлиги 3см бўлган ҳолида намликнинг нисбатан ошиб кетиши ва у кейинчалик ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлиги ҳам кузатилди. Фикримизча, қум – цементли қоришма қалинлиги 3см бўлган ҳолида, вақт ўтиши билан қоришмада юзага келган торайиш деформацияси ҳисобига, гидроизоляция қатламида микроёриқлар пайдо бўлиб, намлик кўтарилишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Гидроизоляция қатлами барпо қилинмай ғишт девори терилган схемадаги (№ 6 схема) тажрибаларда намликнинг ўсиши гидроизоляция қатлами мавжуд бўлган схемадаги (№ 2 схема) тажрибага нисбатан 40-50 % га ортиқ бўлиб, ҳар иккала схема тажрибаларида ҳам вақт мобайнида аста-секин ўсиш тенденцияси кузатилди. Қум-цементли қоришма устидан 1см қалинликдаги мармар плиткалар терилиб, гидроизоляциялар барпо қилинган (№ 3 схема) ҳолида ҳамда худди шундай конструкцияли гидроизоляция схемасида (№ 5 схема), лекин мармар плитканинг қалинлиги 3 см бўлган ҳолида ҳам намликнинг вақт мобайнида ўсиши кузатилаёпди. Бу иккала тажриба схемаларида ҳам 3 ойларгача муддатда намликнинг ўзгариши қарийб бир хил бўлиб, кейинчалик 3-схема бўйича тажрибаларида, мармар плитканинг қалинлиги камлиги ҳисобидан бўлса керак, деворда намлик 25-30% га ошди. № 7 схема тажрибасида, гидроизоляция қатлами конструкцияси 10мм қалинликдаги қум-цемент намликнинг ўзгариши қарийб бир хил бўлиб, кейинчалик 3-схема бўйича тажрибаларида, мармар плитканинг қалинлиги камлиги ҳисобидан бўлса намликнинг ўзгариши қарийб бир хил бўлиб, кейинчалик 3-схема бўйича тажрибаларида, мармар плитканинг қалинлиги камлиги ҳисобидан бўлса керак, деворда намлик 25-30% га ошди. № 7 схема тажрибасида, гидроизоляция қатлами конструкцияси 10мм қалинликдаги қум-цемент қоришмаси устидан зичланган майда заррачали 3,5 см қалинликдаги бетон плиткалардан иборат бўлган ҳолда ва устидан пишиқ ғиштли девор терилганида, қишки мавсум бўлишига қарамадан намликнинг вақт мобайнида ошмагани кузатилди. Демак, юқорида таъкидланганидек, майда заррачали зич бетон намликни кам ўтказар экан. № 5.1 ва № 6.1 схема тажрибаларида гидроизоляция “Пенетрон” маркали хориждан келтириладиган қуруқ қоришмадан, сувда тайёрланган сингувчи қоришма суркалиб, барпо қилинган ҳолида, намликнинг вақт мобайнида (кузатиш муддати 3 ой) сезиларли ўзгариши сезилмади. Лекин “Пенетрон” маркали хорижда ишлаб чиқарилган гидроизоляция материаллари қимматлиги сабабли амалиётга тавсия этиш масаласи қийинроқ.

Барча схемадаги тажрибалардан шундай умумий хулоса қилиш мумкинки, бино деворлари терилганидан сўнг дастлабки 1-2 йил оралиқларида абсолют миқдори жиҳатдан намликнинг катта ўзгаришлари рўй бермаяпди. Қиёсий таққослашлар натижасида, шуни кўриш мумкинки, гидроизоляция қатламига битум устидан толь ёки рубероид ётқизилган вариант ёки қум – цементли қоришмалар устидан мармар ёки бетон плиткалар терилган ҳолида намликнинг девор бўйлаб кўтарилиши нисбатан камроқ бўлаяпди. Аммо толь ёки рубероид ёзилган гидроизоляция қатлами сейсмик районларга тавсия этилмаслигини ҳисобга олсак, амалиётга кўпчилик ҳолларда тавсия этиб бўлмайди.

Бажарилган тадқиқотлар натижаларига кўра пойдеворнинг цокол қисмига деворни намликдан сақлаш учун барпо қилинадиган гидроизоляция қатламлари бўйича қуйидаги асосий хулосалар ва таклифларни бериш мумкин:



1-расм. Тажрибаларда қабул қилинган гидроизоляция конструкцияларининг схемалари.

1) Меъерий хужжатлар тавсияси бўйича сейсмик районлар учун тавсия этилган 1:2 нисбатли кум-цементли қоришмадан барпо қилинадиган гидроизоляцияларда кум-цемент қоришмасининг қалинлиги 20-30 мм дан ошмагани, аммо меъерий хужжатлар талаби асосида бу қоришмадан барпо қилинадиган гидроизоляция 10x10 мм дан 20x20 мм гача металл ёки пластмассали тўрлар билан жиҳозланиб бажарилиши, янада мақсадга мувофиқ бўлур эди;

2) Бино ва иншоотлар эксплуатацияси тажрибасидан келиб чиқиб, толли ва битумли қатламларнинг узоқ бўлмаган вақт мобайнида яроқсиз аҳволга келишини инobatга олиб, пойдевор устига бундай таркибдаги горизонтал гидроизоляцияни тавсия қилиш жавобгарлик даражаси юқори бўлган бино ва иншоотларда мақсадга мувофиқ эмас;

3) Пойдевор бетони устидан кум-цементли қоришмада майда заррачали қалинлиги 3- 3,5 см гача бўлган бетон ҳамда мармар плиткалар тўшалган ҳолида намликнинг кўтарилиши жуда кам бўлиб, вақт мобайнида камайиш тенденциясига эга бўлди (№ 3 ва № 7-схемалар) ва шунинг учун бу конструкцияларни амалиётда кўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқ булур эди.

4) Турли конструкциядаги гидроизоляция схемалари бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари деворларда цокол қисми орқали ўтувчи капилляр намликнинг ўзгариш қонуниятлари вақт мобайнида ўсиш характерига эга эканлиги, уларни узоқ муддат давомида ўрганиш зарурлигини ҳам тақозо қилади.

## КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР УЧ ҚАТЛАМЛИ ДЕВОР ПАНЕЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ.

*С.Р. Мажидов Тошкент архитектура-қурилиш институти*

Фан-техника тараққиётини ривожлантириш ва иқтисодиётни юксалтириш муаммоларини ҳал этишда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш масалалари энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тўсиш конструкциялари самарадорлигини ошириш, материаллар ва деворлар қалинлигини тўғри танлаш, ундан фойдаланиш даврида ёқилғини тежаб-тергаб ишлатиш имкониятини беради.

Кейинги пайтларда энгил ва ғовакли бетондан тайёрланган девор панеллар билан бир қаторда қатламли конструкциялар тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Панелли деворларнинг тўсиш хоссаларига оид меъёрий талабларнинг ошиши уч қатламли панелларни қўллаш заруратини туғдирмоқда.

Совуқ ўтказмайдиган қатламларга эга бўлган уч қатламли темир-бетон девор панеллари тежамлилигига кўра, бир қатламли панеллар Германия, Япоия, Франция, АҚШ, Чехия, Польша ва бошқа давлатларда кенг қўлланилмоқда.

Йирик панелли уйсозликда совуқ ўтказмайдиган қатламларга эга бўлган уч қатламли деворлар қарийб 20 фоизни ташкил қилади. Бунда икки юза қатламлари қаттиқ ва эгилувчан боғламларга эга бўлиши билан панеллар бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, уч қатламли темир-бетон панеллар конструкцияси зич темир-бетоннинг ташқи ва ички ҳамда совуқ ўтказмайдиган ўрта қатламларига эга бўлган ҳолда зич темир-бетон қатламларининг бирикиш усули ва панелларнинг статик вазифасига кўра икки босқичга бўлинади:

1) узлуксиз равишда бўлмаган, иссиқлик ўтказувчи қатламга эга бўлган, улар орасида қаттиқ бетон қовурғаларни жойлаштириш орқали ташқи ва ички қатламлари бириктирилган қовурғали уч қатламли темир-бетон панеллар ёки термовкладишли панеллар;

2) узлуксиз иссиқлик ўтказувчи қатламга эга бўлган, эгилувчан пўлат боғламли ташқи ва ички қатламлари бириктирилган уч қатламли темир-бетон панеллар ёки эгилувчан боғламли панеллар.

Бирикмаларнинг юқорида санаб ўтилган икки туридан ташқари, оғир бетон қатламларини полистеролбетон билан улаш ҳисобига ҳосил бўладиган уч қатламли конструкциялар ҳам фарқланади [1].

Уч қатламли панеллар конструкцияларини лойиҳалашда ҳарорат, ҳавонинг намлиги, шамолнинг тезлиги, ёғингарчилик интенсивлиги каби об-ҳавонинг таъсир этувчи омилларини ҳисобга олиш зарур.

Уч қатламли панелларда иссиқлик ўтказувчанлик коэффиенти 0,037 Вт/м.к. ва ҳажмий зичлиги 35 кг/м<sup>3</sup> бўлган полистерол бетон изоляция қилувчи материал сифатида қўлланади. Ушбу уч қатламли девор панеллар конструкциялари маҳаллий шароитдаги ҳарорати -60<sup>0</sup>С дан +40<sup>0</sup>С гача ўзгариб турувчи бошқа сейсмик туманларда қўлланишга мўлжалланган. Ички ҳавонинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта нисбий намлиги 60 фоиздан ортмаслиги лозим бўлади. Уч қатламли панеллардан ноқулай муҳит мавжуд бўлган ва ички ҳавонинг намлиги 60 фоиздан ортиқ бўлган биноларда фойдаланилган тақдирда, у ҳолда ҳимоялашнинг тегишли чоралари кўрилиши зарур.

Турли хил маҳкамланадиган ҳамда совуқ ўтказмайдиган ички қатлам мавжуд бўлган оғир ва энгил бетонлардан тайёрланадиган уч қатламли панеллардан фойдаланиш, бир қатламли панелларга қараганда цемент сарфини 30 фоизга ва ташқи девор юзасининг 1 м<sup>2</sup> га белгиланган қийматини 8 фоизга камайтириш имкониятини беради.

Бунинг натижасида, “совуқ кўприк”ларининг йўқлиги туфайли иссиқлик ҳимояловчи панелларнинг сифати яхшиланади. Ушбу қатламларни боғлаб турувчи қовурғалар панелларнинг ташқи қатламини деформациядан асрайди. Бунда ички қатлам панеллари ва боғловчилари ишга тушади. Улар панелларни бинонинг ички конструкциясига бирлаштириб туради. Ҳароратнинг мавсумий ва суткали ўзгариши туфайли ташқи деворларда ҳарорат босими юзага келади. Улар ташқи панел ва қаттиқ қовурғаларда ёриғларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ёриғлар намликни ўтказувчи омил ҳисобланади. Шу каби камчиликларни туфайли уч қатламли панелларни ишлаб чиқариш кескин равишда камайтирилди. Кейинчалик уч қатламли панелларнинг такомиллашуви, тўлиқ бетон қовурғаларнинг алмаштириш йўли билан амалга оширилмоқда. Бунда суюқ иситгичлар афзал кўрилади. Улар лойиҳали қалин панелларнинг ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Чорвачилик ва паррандачилик учун мўлжалланган ички намлиги 85 фоиз ва ташқи ҳарорати 50<sup>0</sup>С бўлган биноларда уч қатламли панелларнинг заводдаги махсус юқори сифатли нусхалари тайёрланади. Термо конструкцияси 35 см ва 1.030.1/ О-54 серия ҳажмидаги уч қатламли конструкциялар мазкур бинолар учун тузилган. Бундай конструкциялар қовурға

қалинлиги 10-14 см ва В 3.5 синфидаги керамик бетондан иборат бўлиб, бунда унинг қалинлиги 12,5 см бўлади. Полистирол пенопластларнинг қалинлиги эса 10 см ни ташкил этади. Иссиқлик қаршилиги эса  $1,48 \text{ Вт/м}^2 \text{ } ^\circ\text{С}$ . Оддий қалинлиги 24 см, босим  $3,6 \text{ кН/м}^2$  бўлган конструкциялар. Унда ташқи қатламлари қалинлиги 5 см ва қовурға қалинлиги 4-9 бўлган В 15 синфидаги энгил бетондан ташкил топган. Иссиқлик қаршилиги эса  $2,63 \text{ Вт/м}^2 \text{ } ^\circ\text{С}$  [2,3].

Деворий темир бетонли панеллар полистирол пенопласт ва минерал плитали панеллар чет элда турар жойлар қурилишида ишлатилади. Жаҳон қурилиш марказининг таъкидлашича бу кўринишдаги панелларнинг умумий ҳажми катта. Масалан, Англияда 75, Данияда 60%, Норвегияда 100%, Югославияда 94%, Францияда 70% ва Швецияда 78%.

Ишлаб чиқаришда бундай панелларнинг бир қанча камчиликлари аниқланди. Жумладан: кўл меҳнати 15-18% га ошган, металл боғловчиларни ўрнатиш; юмшоқ қатламларни емирилишдан сақлаш учун ортиқча маблағ сарфлаш; ёнғиндан асраш. Баъзан иссиқлик ўтказувчанлигининг камайиши ташқи ёриғларни тузатишда кўринади. Шунинг учун замонавий конструкциялар ва уч қатламли панелларнинг ишлаб чиқариш технологияси бошқа йўналишларининг пайдо бўлишига олиб келади, улар ишлаб чиқаришни энгиллаштиради ва тўсик конструкцияларининг сифатини оширади [3].

“Био ва иншоотлар” илмий текшириш маркази янги уч қатламли девор панелларини ишлаб чиқармоқда. Унинг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги  $2,63, 1 \text{ Вт/м}^2 \text{ } ^\circ\text{С}$  ни ташкил қилади. Улар металл қолдиқларидан тайёрланади ва қурилишда катта ҳажмли бинолар қурилишида ишлатилади. Уч қатламли панелларнинг ташқи ва ички бетон қатламларининг оддий оғир бетон конструкциялари сетка ва каркаслар билан мустаҳкамланади. Бирлаштирувчи девор қатламлари сифатида махсус бетон шпонкалар ишлатилган ва текис каркаслар билан мустаҳкамланади. Шпонкалар ҳажми ва миқдорини аниқланади. Ўртача полистирол плитадан иборат панелнинг қалинлиги конструкцияларнинг биноларда ишлатилишига қараб белгиланади. Бундай панелнинг афзаллиги шундан иборатки, ташқи ва ички бирлаштирувчи шпонкалар ҳеч ҳам музламайди. Уч қатламли юмшоқ панеллар билан солиштирилганда, уларнинг бир қанча устунликлари мавжуд. Жумладан: камёб керамик тўлдирувчи ва бошқа юмшоқ тўлдирувчиларнинг оддий бетон ёки бошқа маҳаллий материалларга алмаштирилиши мумкинлиги; 20-25 фоиз арматура пўлатда ҳам мустаҳкамлиги; ташқи панелда самарали иссиқлик сарфини оширилиши; ишлаб чиқариш технологиясининг юқорилиги; сарф харажатларининг 30 фоизга камайиши; темир-бетон шпонкаларда оддий пўлат арматураларнинг емирилишга қарши пўлатларсиз ишлатилиши; бетоннинг 25-30 фоизга камайиши; панелларнинг ҳажми яхшиланиши ва юклашда ҳамда туширишда қийинчиликларни йўқолиши ҳисобланади [3].

Сўнги йилларда оддий кўп қатламли конструкцияларнинг янги энергиятежамкор уч қатламли энгил бетондан иборат нусхаси тайёрланмоқда.

Оддий энгил бетоннинг яна бир тури полистирол бетон ҳисобланади. У полистирол гранулалари, кум, цемент, сув ва бошқа қўшимчалардан ташкил топган. Унинг ўртача зичлиги  $200-1200 \text{ кг/м}^3$  ва босим бардошлиги 0,5-10 МПа.

**Хулоса** ўрнида шуни айтиш жоизки, энергиятежамкор уч қатламли тўсик конструкцияларни энгил тўлдирувчилар билан алмаштиришда махсус бетонлар қўлланилади. Шунингдек, бетонларнинг ёриғларига ва ҳар хил қаршиликларига чидашини аниқлаш зарур.

*Адабиётлар рўйхати:*

1. Чиненков Ю.В., Евдокимов А.А. *Трехслойные стеновые панели с гибкими связями и эффективным утеплителем //Бетон и железобетон. – Ташкент, 1981. -№ 3. – С. 48-52.*
2. Миненков Ю.В. *Расчет изгибаемые железобетонных панели с эффективным утеплителем и гибкими связями //Строительная механика и расчет сооружений. – Ташкент, 1982. -№ 4. – С. 15-19.*

## **КОМПОЗИТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОР УЧ ҚАТЛАМЛИ ДЕВОР ПАНЕЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

*С.Р. Мажидов Тошкент архитектура-қурилиш институти*

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин демократик жамият ва бозор иқтисодиётини барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич ислохотлар сиёсий Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини яхшилашда анчагина ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келади. Бетон ва темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қурилиш ишларини самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича талаблар қўйилади. Буларни мувоффақиятли равишда амалга ошириш учун, асосан композит материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, серметалл, қурилиш қиймати ва

сермехнатлилигини, бино ва иншоотларни оғирлигини пасайтиришни таъминловчи ҳамда уларни қурилиш ва эксплуатация қилишдаги жами ресурстежамкор энергетик маблағлар сарфини камайитиришга эришиши лозим.

“Кучни силжитиш–қовушоқлик” боғланишини олишдан ва боғланишлар кўтариши мумкин бўлган чегаравий юкланишларни аниқлашдан иборат эди.

Боғланишлар 10 мм диаметрли қилиб қабул қилинган, бетон – саноат ва қишлоқ хўжалик бинолари учун лойиҳа панеллари каби ички қатламининг қалинлиги 100 мм, ташқи қатламиники 50 мм бўлган В 25 синфли оғир бетон. Тажриба намуналари иситкич қатламининг қалинлиги 50, 75 ва 100 мм бўлганда 30 x 30 см ўлчамда лойиҳаланган. Боғланишлар тўртта алоҳида стерженлар кўринишида ишланган. Иситгич сифатида ДТС Уз 716-96 бўйича маркази 30 бўлган полистрол пенопластдан фойдаланиш кўзда тутилди.


Бино ва иншоотлардаги ишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда ташқи деворлар яъни юпқабетонли, ғиштли, ёғочли ва бошқалар замонавий иссиқлик-техник ва иқтисодий талабларга тўғри келмайди. Иссиқликни таминлашда асосий композит материалдан қатъий назар деворнинг конструкцияси иссиқлик ҳимояловчи қатлам билан қопланиши лозим. Ўртача иссиқлик изоляцияланган учқатламли панелли бетонларнинг ўртача юзаси  $300-500 \text{ кг/м}^3$ , зичлиги 0,5-2,5 МПа, иссиқлик узатилиши юпқадевордан иборат бирқатламиларга нисбатан 2,5-4 марта кам. Бу ерда ананавий тулдирувчилар (перлит, керамзит ва шу турдаги бошқа маҳсулотлар) ишлатилиши мумкин, аморфли структура тулдирувчилар (пеношишагранула, азерит, баролит, диолит ва стеклозоит), қайсиларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги кристалл ва ёғоч ва қишлоқ хўжалиги тўлдирувчиларга нисбатан 25-30 % га кам.

Учқатламли конструкцияларнинг ишлатилиши техник қурилишлар ва конструкцияларининг оғирлигини ўртача 4,5 марта камайтиради. Бунинг натижасида бинонинг сейсмик бардошлиги ошади. Учқатламли конструкцияларнинг ишлатилиши қурилишнинг сифатини ва биноларнинг иссиқлик ҳимояланишини оширади.

Композит қурилиш материаллардан фойдаланиб энергия ва ресурстежамкор девор панеллари ҳаммаси бўлиб, иситкичли қатлами турлича бўлган 12 та намуна (6 та намунадан 2 босқичда) тайёрланди ва синовдан ўтказилди. Боғланишлар ички қатлам ва иситкич ётқизилгандан сўнг ўрнатилди.

Синаш вақтига келиб биринчи босқичдаги намуналарда бетоннинг мустаҳкамлиги 27,7 МПа ни, иккинчиси 29,3 МПа ни ташкил этди. Боғланишлар арматураси 372,1 МПа кучланишда оқувчанлик майдонига эга бўлди, унинг вақтинчалик қаршилиги 56,5 МПа га тенг. Полистролбетон (ПСБ)нинг силжиш модули 3,5 МПа ни, силжишдаги мустаҳкамлик 3,8 МПа ни ташкил этди.

Уч қатламли намуналарнинг сурувчи куч таъсиридаги қатламлари ўзаро сурилишининг тавсифи намуна мисолида (иситкичсиз) 1-расмда кўрсатилган. Юкланишнинг бошида силжишлар кучга пропорционал равишда ортади, кейин силжишнинг ўсиши тезлиги ортади ва охириги босқичда силжиши бироз оширилганда ҳам анча катта қийматга ортади.



1-расм. Эгилувчан боғламли уч қатламли намуна девор панеллари конструкциялари

Боғланишлар эгилишга ишлайди. Эгилувчи моментларнинг эпюраси боғланишларнинг узунлиги бўйича уларни бетонга киритилган жойларда букувчи моментларнинг максимал қийматида чизикли бўлади:

$$M = T_{ce} \cdot \frac{\delta_y}{2}, \quad (1)$$

бу ерда:  $T_{ce}$  – боғланишга тўғри келадиган силжитувчи куч;  $\delta_y$  – иситкичнинг қалинлиги.

Бунда боғланишлардаги максимал куйидагига тенг:

$$\sigma = \frac{M}{W} = T_{ce} \frac{\delta_y}{2(0.098 d^3)} = \frac{T_{ce} \cdot \delta_y}{0.196 d^3} \quad (2)$$

бу ерда:  $d$  – боғланишнинг диаметри кўпроқ кучлантирилган қирралари эришган оқувчанлик чегарасига мос келувчи сурувчи куч ( $\sigma_T$ ) куйидагини ташкил этади:

$$T_T = 0.196 \frac{d^3 \cdot \sigma_T}{\delta_y} \quad (3)$$

Қатламларнинг ўзаро силжиш катталиги эгилувчан боғланишларнинг букилиши ва бетоннинг ямалган жойларидаги қатламининг эзилиши билан белгиланади. Аввал бетонга мустақкам ишлов берилган деб фараз қилиб, эгилувчан боғланишларнинг букилиши натижасида пайдо бўлган қатламларнинг ўзаро силжишни топамиз.

Боғланишлар диаметрининг узунлигига нисбати жуда кичик миқдорда эканини ҳисобга олиб, букилишдан эгилиб қолиш билан бирга кўндаланг кучлар натижасида вужудга келган эгилишларни материаллар қаршилигининг маълум формулалари бўйича ҳисобга оламиз, улар қараб чиқилаётган ҳол учун куйидаги кўринишга эга:

$$f = f_m + f_\theta = \frac{T \cdot \delta_y^3}{12EI} + \frac{10T \cdot \delta_y}{9G_F} = \frac{T \cdot \delta_y^3}{12EI} \left( 1 + \frac{25d^2}{12\delta_y^2} \right), \quad (4)$$

бу ерда:  $G$  – силжиш модули.

Эгилувчи боғланишларнинг диаметри 1 см ва иситкичнинг қалинлиги 5 см бўлганда силжишлар кўндаланг кучлар ҳисобига 8.3 % ортади, иситкичнинг қалинлиги 10 см бўлганда эса 2,1 % ортади. “Юкланиш-қовушоқлик” пропорционал боғланиш участкасида қатламларнинг ўзаро сурилишининг ўлчанган катталиклари барча синалган намуналар учун юқорида келтирилган формула бўйича ҳисоблаб топилган қийматдан анча (2-4 марта) ортик чиқди. Бунда тажрибадаги ва назарий катталиклар орасидаги энг катта фарқ боғланишларининг узунлиги қисқароқ бўлган намуналарда ўринли бўлди.

Назарий ҳисобланган катталиклар бетонни 2,6 диаметрга (ҳар бир томондан 1,3d бўйича) эзилиши ҳисобига эгилувчан боғланишлар узунлигининг ошишини мўлжал қилиб ҳисоблаб ўлчанган катталик билан яхши мос тушади. Олинган маълумотлар эгилувчан боғламали уч қатламли намуналарнинг синовлари билан тасдиқланади. Иситкичли намуналарда сурувчи куч таъсирида қатламларнинг ўзаро силжиш тавсифи иситкичсиз намуналар учун олинган тавсифдан деярли фарқ қилмайди. Бироқ бунда ишда иситкичнинг иштирок этиши ҳисобига қатламларнинг ўзаро силжиш катталиги камаяди ва диаграмма қисмлари орасида ўтиш қатламларнинг ўзаро силжишида уларнинг яқинлашиши оқибатида вужудга келадиган уларнинг ёпишиши, ишлашиши ва ишқаланиши таъминланади.

Қатламларнинг ўзаро силжишига эгилувчан боғланишлар ҳам, иситкич ҳам қаршилик кўрсатгани учун у ҳолда сурувчи куч улар орасида тақсимланади. Эгилувчан боғланишлар учун қатламларнинг ўзаро силжиши ва сурувчи куч ўртасидаги боғланиш юқорида кўриб чиқилган эди, иситкич учун бу алоқа куйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$f = \frac{T \cdot \delta_y}{G_y \cdot F_y}, \quad (5)$$

бу ерда:  $G_y$ ,  $F_y$  – мос равишда силжиш модули ва бир боғланишга тўғри келувчи иситкичнинг юзи.

Силжишларнинг тенглигидан, иситкич бўлганда боғланишга тўғри келувчи сурувчи кучнинг катталиги куйидагига тенг:

$$T_{ce} = T \frac{\frac{\delta_y}{G'_y F_y}}{\frac{\delta_y^3}{12EI} \left( 1 + \frac{25 \cdot d^2}{12 \delta_y^2} \right) + \frac{\delta_y}{G'_y F_y}} \quad (6)$$

Юқорида айтиб ўтилганидек, юкланиш бироз орттирилган қатламларнинг ўзаро силжишнинг кескин ортиб кетишига мос келувчи юкланиш бузувчи юкланиш деб қабул қилинган. Ўзаро силжиш катталиги камида 1 см ни ташкил этади. Бунда эгилувчан боғланишларда ёриқлар пайдо бўлиши ва уларнинг ажралиб кетиши кузатилмади.

## РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В ПОЛУЧЕНИЯ ЗАКЛАДОЧНЫХ СМЕСЕЙ

*проф.Газиев У.А., ст.преп.Рахимов Ш.Т., магистр Ортиков И. (ТАСИ)*

В последние годы в горнодобывающей промышленности усилился интерес к проблеме разработки рудных месторождений системами с закладкой выработанного пространства. Стремление повысить извлечение полезных ископаемых из недр, необходимость сохранения в ряде случаев поверхности или налегающей толщи пород над водоносными горизонтами, а также повышения интенсивности и безопасности горных работ явились причинами быстрого развития систем с закладкой на отечественных и зарубежных рудниках. Однако область применения систем с закладкой выработанного пространства не ограничивается лишь технической необходимостью. Имеются определенные горно-геологические условия эксплуатации месторождений, в которых даже при существующем уровне техники и технологии добычи, системы с закладкой экономически наиболее выгодны для Республики Узбекистан [1].

Использование отходов промышленности и местных сырьевых ресурсов это экономия природных материалов, труда, уменьшение топливно-энергетических и транспортных расходов, защита окружающей среды и уменьшение отчуждение пахотных земель для хранения отходов. Так, например, применение отходов промышленности позволяет до 30-40% снизить затраты на изготовление строительных материалов, а экономия капитальных вложений достигает 40-50 %.

Ввиду высокой энергоемкости производства портландцемента и дефицитом качественных природных материалов возникают затруднения вызванные обеспечением не только портландцемента, но и компонентов растворов и бетонов необходимой сырьевой базой. Поэтому считаем более целесообразным использовать отходы различных отраслей промышленности, на основе которых можно получить строительные материалы, с полной или частичной заменой природных сырьевых ресурсов.

Наши исследования посвящены вопросу использованию отходов энергетической промышленности (зола-унос тепловых электростанций), металлургической промышленности (песок-отход меднорудного обогащения МОФ), горнодобывающей промышленности (зауглероженная каолинистая глина, отходы мраморного карьера) [2].

Керамик фиброфетрдан таёрланган нейтралаштирувчи элемент юқори ҳароратда зичланиб яхлит монолит ҳолатга келади. Элементнинг ишдан чиқишига, яъни унинг емирилишига ҳаддан ташқари юқори ҳарорат ва газлар оқими пульси сабаб бўлади. Газларнинг бир маромда ўтиши учун элемент каналлари аниқ бир шаклда ясалган. Элементнинг ташқи кўриниши автомобил кузовига боғлиқ ҳолатда овалсимон, думолоқ ва учбурчак кўринишда бўлиши мумкин.

Дизель двигателлардан чиқадиган чиқинди газлар таркибидаги зарарли моддалар бензинли двигателлардан чиқадиган чиқинди газлар таркибидан фарқ қилиб, унинг таркибида қаттиқ заррачалар қурум (кокс) ҳам ташкил этади. Қаттиқ заррачаларни тутиб қолиш учун қурум филтрлари қўллаш унумли хисобланади. Дизель двигателлари нейтрализаторлари эффективлиги билан ажралиб турадиган керамикадан таёрланади. Керамик элемент конструкцияси газлар ўтувчи каналларинг иккинчи томони ёпиклиги билан ажралиб туради натижада газлар канал деворлари орасидан сизиб ўтади.



Керамик қурум филтр тузилиши

1-оралиқ қатлам, 2-қиритиш қувури, 3-керамик тиқин, 4-чиқариш қувури

Чиқинди газларнинг таркибидаги курум элемент ғоваклиги боғлиқ равишда 70-90% гача тутиб қолинади. Курум филтрлари узоқ вақт эффектив ишлаши учун маълум бир даврда хизмат кўрсатиш талаб этилади. Курум филтрларга хизмат кўрсатиш икки хил усулда регенерация (қайта тиклаш) қилиш билан амалга оширилади:

- Кимёвий усул- дизель ёнилғисига махсус кўшимчалар қўшиш орқали амалга оширилади, бу кўшимчалар чиқинди газлар таркибидаги қаттиқ кўшимчаларни юмшатиб уларнинг ёниш температурасини пасайтириб тезда ёниб кетишини таъминлайди. Камчилиги эса кўшимчалар таркибидаги зарали моддалар ҳам атмосферага чиқиб кетишидир.

- Термик усул- элемент 700 градусгача қиздириш талаб этилади, натижада қаттиқ заррачалар ёниб кетишига эришилади бу эса элементнинг яна ғоваклигини таъминлайди. Двигателнинг иш режимида элементни тозалаш учун бир пайтнинг ўзида иккита филтрдан ҳам фойдаланилади. Бу эса бир пайтнинг ўзида тозалаш ва филтрни регенерация қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида йўл қурилиши машиналаридан фойдаланиш шароитларида уларнинг экологик назоратини амалга оширишда фойдаланиладиган экологик меъёрлар бўйича йўл қурилиши машиналари конструкцион даражасини албатта ҳисобга олиши шарт. Бундан ташқари экологик назоратини дифференцияланган нормативлар билан ўтказиш йўл қурилиши машиналарининг моделлар, қўлланилган кўшимча жихозлар ва бошқа конструктив ўзгартиришлар бўйича аниқ синфлашни тақозо этади. Бу амалдаги талабларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

### ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ МАШИНАЛАРИДА ГАЗСИМОН ЁҚИЛҒИЛАРДАН Фойдаланиш.

*З.Т.Бултаков, Х.Х.Самиев, Х.С.Тоғоев (ЖизПИ).*

*In article are offered the superiority use of gazo-fuel engines in road-building cars.*

Ҳозирги вақтда жаҳондаги эксплуатация жараёнида катта қувват талаб қилинувчи транспорт воситалари ва машиналар асосий қисми дизел двигателлари билан жихозланган. Ички ёнув двигателларида дизел ёнилғисидан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири дизел ёнилғиси ёниши натижасида ажралиб чиқадиган қувват ҳозирда мавжуд бошқа турдаги ёнилғиларга нисбатан катталигидир.

Шунингдек дизел ёнилғисидан фойдаланишнинг бир неча камчиликлари бўлиб улар асосан уни ишлатиш натижасида ички ёнув двигателидан ажралиб чиқадиган газлар таркибидаги зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш қимматлигидир.

Дизел двигателидан чиқадиган газлар таркибини кўриб чиқадиган бўлсак бу зарарли моддалар таъсирини англаш қийин эмас(1-жадвал) [4].

1-жадвал

Дизел ва карбюраторли двигателлардан чикувчи чиқинди газлар зарарлигини таққословчи кўрсаткичлар. (Ҳажм бўйича)

Чиқинди газлар таркибидаги моддалар	Чиқинди газлар таркиби, %	
	Бензинли двигателлар	Дизел двигателлари
Азот	74-77	76-78
Кислород	0,3-8,0	2-18
Сув	3,0-5,5	0,5-4,0
Углерод-2 оксиди	5-12	1-10
Углерод оксиди	1-10	0,02-0,50
Азот оксиди	0-0,8	0,001-0,400
Углеводородлар	0,20-0,30	0,1-0,10
Олтингугурт гази	0-,002	0-,03
Курум, г/м <sup>3</sup>	0-,04	0,1-1,5
Бензопирин, г/м <sup>3</sup>	0,0002	0,00001

Бу газларнинг таркибида *CO*, *NO*, *HC* ва курум каби моддалар мавжуд бўлиб тезда таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Юқорида двигателдан чиқаётган зарарли газлар инсон мияси фаолиятига бевосита таъсир қилувчилар ҳисобланади. Айниқса дизел двигателларидан чиқадиған курумлар нафас олиш органларига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирда муоммаларнинг бир неча хил конструктив ечимлари мавжуддир, яъни бошқа турдаги энгил газсимон ёқилғилардан фойдаланиш, таъминлаш ва ёндириш тизимида ёнилғи

сарфи ва ёнилғининг сифатли ёнишини таъминлаш учун ҳамда двигателда чиқинди газларни чиқариш тизимини процессорли қурилмалар ва тизимлар билан жихозлашдир.

Ўзбекистон табиий газ захираси катталиги билан дунёда етакчи ўринларда туради, ҳозирда йилига тахминан 60 миллиард куб метр табиий газ қазиб олинмоқда. Транспорт воситаларини газ ёнилғиси билан ишлашга жихозлаш кейинги ўн йилликда сезиларли даражада ошди.

Дизел двигателларини газ ёнилғиси билан ишлашга жихозлаш бошқа турдаги конструктив ечимларга қараганда бир қанча афзалликларга эгадир, жумладан ёқилғи ва мойлаш материаллар харажатини камлиги, дизел двигатели экологик кўрсаткичлари юқорилиги ва газ ёқилғисидан ишлайдиган дизел двигатели дизел ёнилғисидан ишлайдиган двигателга қараганда эксплуатация даврининг узоклигидир. Шунингдек дизел двигателларни газсимон ёқилғиларга ўтказишнинг салбий томонлари мавжуддир, яъни газ баллонли қурилмалар билан жихозлаш қимматлиги, техник хизмат кўрсатиш сарф харажати ошиши ва транспорт воситасидаги қуйилган газ захирасидир [2].

Аммо ҳозирда мамлакатимизда газ баллонларини ишлаб чиқариш муфаккиятли тарзда маҳаллийлаштирилди ва газ қуйиш кўчма станциялар яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бунга мисол тариқасида автомобил йўллари реконструкцияси, янги йўлларнинг ҳамда шаҳарсозлик иншоотларининг янгидан бунёд этилаётганини мисол қилишимиз мумкин.

Бу эса йўл ва бино қурилишидаги машина ва техникаларнинг ишларни бажариш ҳажми янада ошириб бормоқда. Маълумки йўл қурилиши машиналари эксплуатацион хусусиятларидан келиб чиқиб ишни бажариш жараёнида қувват талаб қилишига қараб икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

Биринчи гуруҳ - иш бажаришда цикл давомида ўзгарувчан қувват талаб этиладиган машиналар (бульдозер, экскаватор, автогейдер, скеперлар, юк ортгичлар, юк автомобиллари, тягачлар, автокранлар ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ - иш бажаришда цикл давомида ўзгарувчан қувват талаб этмайдиган машиналар (асфальт ётқизгич, статик зичлаш машиналари ва динамик зичлаш машиналари компрессорлари).

Йўл қурилиши машиналари ишлаш тартиби буйича даврий (циклик) ишлайдиган ва узлуксиз ишлайдиган машиналарга бўлинади. Даврий тартибда ишлайдиган машиналарда иш циклда ишни бажариш пайтида двигател зўриқиш режимида ва орқага қайтиш пайтида салт ишлаш режимида ишлайди. Узлуксиз тартибда ишлайдиган машиналардан асфальт ётқизгич, статик зичлаш машиналари ва динамик зичлаш машиналари компрессорлари доимий ўзгармас режимида ишлаш талаб этилади.

Юқоридаги иккинчи гуруҳдаги йўл қурилиши машиналарини газсимон баллони қурилмалар билан жихозлаш афзалликлари ва йўл қурилиши машиналари эксплуатацион хусусиятларидан келиб чиқиб ишни бажариш жараёнида қувват талаб қилишига қараб биз узлуксиз тартибда ишлайдиган машиналарни газ ёнилғисига ўтказиш истиқболли эканлигини ажралиб туради.

Бундан ташқари дизел ёнилғисидан фойдаланилганда ички ёнув двигателидан ажралиб чиқадиган газлар таркибидаги зарарли моддалар миқдори, ёқилғи ва мойлаш материаллар харажатлари камайтириш ва дизел двигател экологик кўрсаткичлари ошириш каби муоммаларнинг сезиларли даражада хал этилишига олиб келади.

## **СИСТЕМА НАГРЕВА ПОЛА**

*Турсунов.М.К., Сайдуллаев.С.Р., Абилкосимов.М.Н., (ЖизПИ).*

*The heating system of internal rooms of the modern and model buildings is considered in this article. The heating system should be set under the floor of the building it helps to economy energy as well as to rise the effectiveness of economy.*

Система нагрёва пола характеризуется надежным и экономящим время монтажом благодаря оптимально подогнаным друг к другу системным элементам с высокой степенью подготовки в заводских условиях. Она разработана для передовых строительных предприятий. Прокладка отопительных труб производится на точно определенных расстояниях в соответствии с программными средствами проектирования. Речь идет о приятной, рентабельной и экономящей энергию плоской системе нагрёва с высокой функциональной надежностью и большим сроком службы.

Система нагрёва пола обеспечивает стабильное, соответствующее нормативным требованиям стандартов качество отдельных элементов, а также всей системы.

В соответствии с действующими с (Предписания по защите тепла) для перекрытий относительно грунта, наружного воздуха и помещений с существенно низкими внутренними температурами  $R\lambda D_{\text{mind}} = 2,86 \text{ м}^2\text{К/Вт}$

Трубы отопления

Сегодня в качестве основы на будущие 50 лет следует брать трубы отопления, которые будучи встроенными компонентами полов, являются их самыми важными элементами. Исходя из этого положения, необходимо применять только такие трубы отопления, которые изготавливаются из высококачественных материалов, а используемые для их производства и обеспечения качества методы исключают все недостатки. Трубы отопления из синтетических материалов для систем нагрева пола должны соответствовать требованиям (DIN 4726). Это действительно для бесшовных облицованных и необлицованных синтетических труб из полибутена, полипропилена, сетчатого полиэтилена (PE-X), а также для деталей трубопроводов, которые эксплуатируются до максимальной температуры  $70 \text{ }^\circ\text{C}$ , при максимальном рабочем давлении 3 бара в системах нагрева пола горячей водой. Трубы отопления должны изготавливаться соответственно стандартным нормативам для труб из полибутена (DIN 4727), из полипропилена (DIN 4728) и из сетчатого полиэтилена (DIN 4729).

При рабочем давлении 3 бара они должны быть совокупностью средств для определенной температуры подачи при ежегодной продолжительной нагрузке и при толщине стен, минимум, 2 мм при среднем значении внешнего диаметра более 15 мм и 1,8 мм при среднем значении внешнего диаметра менее 15 мм необлицованной базовой трубы; на период 50 лет их коэффициент надежности должен быть более чем 2,5 с учетом кривых продолжительного внутреннего давления для полибутена соответственно (DIN 16968), для полипропилена соответственно (DIN 8078) и для сетчатого полиэтилена соответственно (DIN 16892).

Другое требование, которое должно быть выполнено для высококачественных труб отопления, это – героичностью относительно кислорода. Это означает, что при температуре  $40 \text{ }^\circ\text{C}$  не должна превышать отнесенная к внутреннему объему трубы проницаемость кислорода  $0,1 \text{ g/m}$ .

В противоположном случае необходимо принимать меры по защите отопительной установки от коррозии.

Для присоединений и подключений труб отопления разрешается применять только такие соединительные элементы, которые были указаны изготовителем системы в качестве пригодных, а их пригодность была подтверждена испытанием на продолжительное внутреннее давление при переменных температурных нагрузках.

Соответствие нормам определенного стандарта подтверждается разрешением на введение испытательных и контрольных знаков DIN с испытательным номером Германского общества маркировки товаров.

Краевые изоляционные полосы.

Краевые изоляционные полосы должны прокладываться сплошь и простираются от необработанного пола до готового пола. При многослойных изоляционных слоях краевая изоляционная полоса должна прокладываться до нанесения самого верхнего изоляционного слоя. Выступающая вверх часть должна обрезаться только после прокладки настила пола и, при определенных условиях – после расшивки швов, а при эластичных и текстильных настилах – после шпатлевки и шпаклевки. Краевая изоляционная полоса должна быть защищена от изменений слоя при нанесении сплошного пола. Кроме того, краевая изоляционная полоса в области углов помещения и выступов должна обладать способностью углового изгиба без потери своих функциональных качеств.

Перед укладкой сплошь и без разрывов звукоизоляционных краевых полос из полиэтилена на все цельные строительные детали и стены следует установить рамы, опоры и ступени. При двухслойной укладке допускается укладка полиэтиленовых звукоизоляционных краевых полос только после прокладки нижнего слоя. Следует обращать внимание на то, чтобы нанесенная на полиэтиленовые звукоизоляционные краевые полосы полиэтиленовая пленка закладывалась между краевыми звукоизоляционными полосами посредством вталкивания, а затем фиксировалась в узелках при помощи краевого полиэтиленового профиля, чтобы предотвратить проникновение используемой для затвердения сплошного пола воды и цементных шламов и исключить возможное образование звуковых мостиков.

При прокладке узелковых элементов всегда следует начинать с узкой стороны помещения справа налево.

Преимущество такого порядка заключается в том, что краевые накладки последующих плит могут осуществляться на уже уложенных плитах, без необходимости их нового приподнимания и смещения.

При прокладке труб отопления из сетчатого полиэтилена надо обязательно следить за тем, чтобы допустимый в соответствии с (DIN 4726) радиус изгиба отопительных труб из сетчатого полиэтилена не был меньше 5 наружных диаметров этих труб. Отопительные трубы из сетчатого полиэтилена нельзя укладывать на основание с острыми краями; в зонах прокладки через стены и потолки следует защитить отопительные трубы защитными полиэтиленовыми трубами 19/25. Для изготовления всех соединений допускается применение исключительно компонентов, входящих в программу нагрева полов.

Гарантийные обязательства. Для системы нагрева пола действительны, как и для всех остальных наших изделий, «Общие условия продаж».

## **АНАЛИЗ ВЕДЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО КАДАСТРА НЕДВИЖИМОСТИ ЗАРУБЕЖОМ**

*Э.Х.Исаков, Л.Т.Ибрагимов, М.Х.Бобокалонов (СамГАСИ).*

*The main ideas of foreign cadastral systems are considered in the article. The authors present the conclusions to the issues considered in terms of modern cadastre state real estate practices and property rights registration.*

Сведения кадастрового учета в большинстве стран мира оказывают большое влияние на общую землеустроительную политику страны, поэтому максимально точные сведения о размерах и состоянии земельных ресурсов чрезвычайно важны, а отсюда повышенное внимание к кадастровому учету.

Цель исследования заключается в анализе кадастровых систем в странах с высоким уровнем экономического развития, что позволит сделать вывод о существенных различиях в понятиях земельного кадастра, его организационной структуре, содержании и способах ведения.

Рассмотрим особенности земельного кадастра в следующих странах: Германия, Франция, Швеция. Выбор стран основывался на высоком уровне экономического развития стран.

Изучение мирового опыта является необходимым элементом формирования и совершенствования национальной системы кадастрового учета.

### *Ведение кадастра в Швеции*

Вся земля в Швеции разделена на единицы недвижимости и все они зарегистрированы в Реестре недвижимости. Каждая недвижимость имеет уникальное название, которое служит для правовой идентификации.

Основной целью реестра недвижимости есть определение недвижимости и обеспечение обзора разделения земли на недвижимость. Более детальная и полная информация о недвижимости находится в кадастровых делах (документах о кадастровых изменениях). Они сохраняются в архиве офиса регистрации.

Регистрация недвижимости выполняется Агентствами по регистрации недвижимости. Национальная Землемерная Служба контролирует эти агентства и отвечает за их деятельность.

Основной целью земельной регистрации есть предоставление официального статуса и юридической защиты актам купли-продажи недвижимой собственности.

Система регистрации земли, которая хорошо функционирует, служит гарантией и поддержкой экономических транзакций.

«Шведская система «Банк Данных о Недвижимости» - интерактивная система, созданная вокруг мощного центрального компьютера. Первичные пользователи – Реестр Недвижимости и Агентства по регистрации прав на недвижимость используют терминалы и принтеры, связанные с главным компьютером через телефонные сети. Получение информации из банка данных доступно через сеть терминалов для банковских учреждений, муниципалитетов, агентств по недвижимой собственности, страховых компаний и других основных пользователей информации [6].

### *Ведение кадастра в Германии*

В Германии система состоит из двух частей: поземельной книги и кадастра, которые тесно взаимосвязаны. Понятие «земельный участок» согласно немецкому праву объединяет два признака: «ограниченная часть земной поверхности» и «регистрационная запись в поземельной книге».

Организация и ведение земельного кадастра осуществляется в различных федеральных землях Германии по-разному. Например, в федеральной земле Гессен земельные дела ведет Министерство экономики, транспорта и развития территории в г. Висбаден.

В ряде других земель Германии вопросы управления земельными ресурсами и ведения земельного кадастра решают Министерство финансов, Министерство экономического развития и др.

Поземельная книга в Германии предназначена для определения и установления прав на отдельные земельные участки, предоставления установленных законом гарантий прав собственности, регистрации обременения собственности (земельных участков).

Кадастр недвижимости содержит полную информацию о недвижимости на всей территории: геометрическую (геодезическую) и семантическую информацию о земельных участках и зданиях.

Кадастр недвижимости состоит из трех частей: книги кадастра недвижимости (описательной части), кадастровой карты (графического отображения земельных участков) и результатов геодезических вычислений.

Книга кадастра недвижимости обеспечивает ведение в электронной форме реестровых данных (семантических характеристик земельных участков).

Поземельная книга и кадастр недвижимости в Германии из-за исторически сложившегося различного их назначения (гарантия собственности на землю и основа для земельного налогообложения) возникли отдельно, и только после появления Устава поземельной книги между этими двумя реестрами определилась связь.

В последние годы происходит объединение земельного кадастра и поземельной книги в одну базу данных.

На завершающем этапе создается единая земельно-информационная служба Германии, что соответствует общим стремлениям большинства западно-европейских государств.

#### *Ведение кадастра во Франции*

Во Франции исторически сложилась своя довольно сложная система информационного обеспечения управления земельными ресурсами, в которой задействованы различные министерства и ведомства.

Кадастровый план является основным кадастровым документом, он используется для установления (локализации) местоположения земельного участка и идентификации строений. План составляется для каждой коммуны и полностью охватывает ее территорию.

«Парцелла является базовой кадастровой единицей. Она представляет собой участок земли, принадлежащий одному собственнику. Каждая парцелла идентифицируется по уникальному номеру внутри кадастровой секции [3].

Сводным документом для учета и оценки имущества, а также для определения земельного налога застроенных и незастроенных земельных участков служит кадастровая матрица.

В соответствии с программой соглашения между налоговыми управлениями и местными органами власти продолжается сканирование кадастровых планов. Файлы со сканированными планами заменяют бумажные копии и служат базой для векторизации. Эти файлы ежегодно обновляются. Их можно получить для пользования за определенную плату.

Анализ кадастровых систем зарубежных стран позволяет сделать следующие выводы:

1. Земельный кадастр в большинстве стран Западной Европы служит основой для построения и поддержания различных видов кадастра и реестров (недвижимости, лесного, водного, природоохранного, градостроительного и т.) и базируется на земельных участках. Этим обеспечиваются информационная увязка всех видов кадастра, оперативное получение и передача информации о природных ресурсах, значительная эффективность кадастровых систем и их минимально необходимое число.

2. Значительный эффект дают информационные системы, прежде всего в тех государствах, где интегрированы земельно-кадастровые и регистрационные системы в рамках одной организации. Это свойственно таким странам, как Франция, Швеция и др.

3. В большинстве экономически развитых зарубежных странах объекты недвижимого имущества, прочно связанные с землей, следуют за земельными участками. Земельный кадастр превращается в этих государствах в «кадастр недвижимости». Этот положительный опыт характерен в первую очередь для Швеции, Франции. Он позволяет пользователям сэкономить время и средства.

4. Необходимо отметить, что многие положения не могут быть автоматически перенесены в нынешнюю систему кадастра недвижимости и регистрацию прав на недвижимость в нашей стране. Основными причинами этого являются различия в характере земельных отношений, размере территории и административно-территориальном устройстве, нормативно- правовом обеспечении, уровне материально-технической базы, современном состоянии и технологиях выполнения работ.

#### *Литература:*

1. *Зарубежный опыт функционирования кадастровых информационных систем*// Филиппова А.П. – *Земельный вестник России*, №1-2, 2005 – с.63-68.

2. *Земельно-кадастровые работы. Технология и организация/ Л.И.Коротеева – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – с.23.*
3. *Землеустройство. Том 7. Землеустройство за рубежом.// Волков С.Н. – М:КОЛОСС, 2005 - с.63*
4. *Недвижимость, кадастр и мировые системы регистрации прав на недвижимое имущество// Никонов П.Н., Журавский Н.Н.-Аналитический обзор, СПб, 2006*
5. *Опыт управления земельными ресурсами в зарубежных странах /Рассказова А.Н. - Электронный журнал Investzem.Ru*
6. *Правовое регулирование ведения государственного земельного кадастра: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук// Сидоренко В.Н. – М., 2003*

## **ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ (ГАТ) АСОСИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР ХАРИТАСИНИ ЯРАТИШДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*И.Н.Бобобеков, И.Х.Омонов, Б. Хурсанов (СамДАҚИ)*

Маълумки, ҳозирги кунда замонавий Географик ахборот тизимлари кўп миқдордаги график ва мавзули маълумотлар базасига эга бўлган, база асосида иш бажариш имкониятига эга модели ва ҳисобли функциялар билан бирлашган, фазовий маълумотларни картографик шаклга айлантириш, турли қарорларни қабул қилиш ва мониторинг ишларини амалга оширадиган автоматлашган тизим деб қаралади.

Бугунги кунда компьютер саводхонлиги омма орасида анча ошган. ГАТда тузилган карта оддий қоғозли картадан яхши безалгани, компьютерли шаклдалиги ва бошқа бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади: картага истаганча ўзгартириш киритиш, янги мазмун ва бўёқ бериш, диаграмма ва бошқа суратларни киритиш, ўчириш ва ҳақоза ишларни бажарса бўлади. Бунинг учун карта тузишнинг компьютерли технологиялари билан мукамалроқ танишиш ва улар асосида шахсан авторнинг ўзи карта тузиб кўриши керак.

Карта яратишнинг бу технологияси бугунги кунда, биринчидан - сезиларли даражада универсаллашган, иккинчида - жуда тез ривожланаётган, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олаётган жараёндир. Географик ахборот тизимлари соҳасида асосий билимларни берувчи рус ва чет мамлакатлар халқлари тилларидаги китобларда ва ГАТнинг турли соҳаларига оид бўлган монографиялар ва конференция материалларида тадқиқотчилар ГАТ тизимига кундан-кун янгиликлар киритмоқдалар [1].

Юқоридагилардан келиб чиқиб биз Пайариқ туманидаги суғориладиган ерларнинг янги рақамли электрон харитасини яратиш учун маълумотлар базасини шакллантириш масалалари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Туманда мавжуд бўлган суғориладиган ерлар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш учун ахборотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги ишлар олиб борилди.

1. Тайёргарлик ишлари босқичи- Ушбу босқичда мавжуд бўлган дастлабки материаллар хусусан “”Ўздаверлойиха”” институти томонидан тайёрланган туман хўжалиklarининг 1:10000 масштаби хариталари ва уларнинг қайдномалари текширилди [2]. Бунда туман ерларидан оқилона фойдаланиш масалалари таҳлил этилди. Суғориладиган ерлар бўйича мавжуд бўлган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар тўпланди ва ўрганилди.

2. Туман суғориладаиган ерлари харитасини яратиш учун маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш босқичи- ушбу босқичда туманнинг янги рақамли карталар яратиш учун ер тўғрисидаги умумий маълумотлар базаси яратилди ва уларни расмийлаштириш масалалари ўрганилди.

3. Тўпланган маълумотлар асосида туман суғориладиган ерларининг янги электрон рақамли харитаси яратилди.

Пайариқ тумани суғориладиган ерларининг харитасини яратишда маълумотлар базасини яратишда қуйидагиларга эътибор қаратилди.

Маълумки, маълумотлар базаси деганда объектнинг ҳолатини, унинг хоссалари ва бошқа объектлар билан ўзаро муносабатларини акс эттирувчи маълумотларнинг номланган тўплами ҳамда уни юритиш учун зарур бўлган техник ва дастурли воситаларнинг комплекси тушунилади [1].

Умумий маънода маълумотлар базаси - бу махсус ташкил этилган ёзув ва файллар тўпландир. Унда объектнинг номи, у жойлашган жойи ва харитаси, унинг иқтисодий, географик ва бошқа кўрсаткичлари сақланиши мумкин.

Маълумотлар базаси таркибига ўзгариш киритиш уни қайта қуришни англатади ва бирор бир зарур саволга жавоб олиш учун эса махсус дастур тузишга тўғри келади. Чунки ўзгаришлар

бўлганда фойдаланувчиларнинг саволларига жавоб бериш учун баъзан ҳафталаб, ойлаб вақт талаб қилинади, натижада маълумотлар ўз долзарблигини йўқотади.

Шунинг учун маълумотлар базасида ишлаш ва уни бошқариш жарёнида тизимидаги мавжуд ахборотларни қидириш, танлаш, бир-бирига қўшиш ва хатоликларни тузатиш ишларини биргаликда олиб бориш лозим бўлади. Бу эса янги атрибутив жадваллар тузиш, уларни тўлдириш ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар билан боғлаш имконини беради. Натижада барча соҳалардаги каби ер ва бино- иншоотлар кадастри тизимида ҳам бажарилиши лозим бўлган ишлар бирмунча енгиллашади.

Маълумотлар базасида тумандаги мавжуд ер ресурслари ва улардан фойдаланиш даражасига эътибор қаратилди. Бунда тумандаги мавжуд ер фонди, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида жумладан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ҳолати, тумандаги мавжуд суғориладиган ерларнинг унумдорлиги, маданийлашганлик даражаси, суғориш даврийлиги, ерларнинг шўрланган ва шўрланмаганлиги, шўрланиш даражаси ва хиллари, эрозияга учраш даражаси, сизот сувлари чуқурлиги, тошлоқлик даражаси, тупроқ бонитировка баллари, туман бўйича экиладиган экин турлари, уларнинг майдони, ҳосилдорлиги ва бошқа маълумотлар келтирилди.

#### *Фойдаланилган адабиётлар*

1. Сафаров Э.Ю., Мусаев И.М., Абдурахимов Х.А. *Геоахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент 2008 й.*
2. *Ўздаверлойиҳа институти Самарқанд филиали маълумотлари*

### **АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ ТАРТИБИ**

*В.Р.Ниязов, У.Рахимов, 201-ГКК гуруҳи талабаси Д.Ҳамдамова.,  
103 – Дизайн (ЛД) талабаси О.Олимова*

**Annotation.** *In this scientific article, methodology over of creation and conduct of state cadastre documents is brought in our Republic, to taking of inventory and creation of base of these highways, and necessary data are similarly sanctified for creation of this system.*

Автомобил йўллари давлат кадастри - бу автомобиль йўллари объектлари, уларнинг географик ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот тизими. Автомобил йўллари давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)нинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда автомобиль йўллари объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида юритилади. Мавжуд бўлган ва қуриладиган автомобиль йўллари, махсус иншоотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган автомобиль йўлларининг бошқа объектлари Автомобил йўллари давлат кадастри объектлари ҳисобланади. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси Автомобил йўллари давлат кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади. Автомобил йўллари давлат кадастри давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни автомобиль йўллари объектлари тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Автомобил йўллари давлат кадастрини юритишни методик таъминлаш «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилади.

Автомобил йўллари давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорига 1-илова “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

Унга кўра «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ваколатли ташкилоти куйидагиларни амалга оширади:

➤ автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилиши ва мавжуд бўлишини таъминлайди;

➤ маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни йўл корхоналарига беради, маълумотлар базаси тўғри тўлдирилиши устидан назорат қилади;

➤ ҳудудий шўба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр билан ишлайдиган ходимларини автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил этади;

➤ ҳудудий шўба йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уни автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимида киритади;

- автомобиль йўлларининг янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотлари тўпланиши устидан назорат қилади;
- кадастр ахборотлари ДКЯТга тезкор берилишини амалга оширади;
- ҳар йили белгиланган тартибда ДКЯТга «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг автомобиль йўллари объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Бундан ташқари «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари қуйидагиларни амалга оширади:

- ✓ автомобиль йўллари объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг атроф муҳитга таъсири, экологик-иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги ахборотларни тўплади ва тизимлаштиради;

- ✓ автомобиль йўллари объектлари кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ва автомобиль йўллари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ваколатли ташкилотининг кадастр бўлимига беради;

- ✓ автомобиль йўлларининг янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш маълумотларини тўплади.

Автомобил йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби 1-расмдаги “Автомобиль йўллар давлат кадастри маълумотлар базасини яратиш схемаси” асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси тизимида ва "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси тизимидан ташқарида мавжуд бўлган автомобиль йўллари объектлари эгалари фойдаланувчилар кадастр ахборотларини автомобиль йўллари объектлари бўйича ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмаларига тақдим этадилар;

2. Ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмалари ушбу объектларнинг эгалари ва фойдаланувчилардан автомобиль йўллари объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайдилар, ўз ҳудудлари доирасида кадастр ишини шакллантирадилар, автомобиль йўллари объектлари бўйича ахборотни АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилотга тақдим этадилар;

3. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот давлат ер кадастридан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни олади;

4. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот автомобиль йўллари объекти АЙДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ДКЯТнинг маълумотлар базасига беради;

5. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот сўров бўйича ДКЯТ маълумотлар базасидан автомобиль йўллари объектлари бўйича ахборот олиши мумкин;

6. АЙДКни юритиш бўйича ваколатли ташкилот автомобиль йўллари объектлари бўйича зарур ахборотни ҳудудий шўъба йўл қурилиш ташкилотларининг кадастр бўлинмаларига юборади;

7. ДКЯТ маълумотлар базасидан фойдаланувчилар сўров бўйича автомобиль йўллари объектлари бўйича кадастр ахборотларини олишлари мумкин.

Ушбу схемадаги вазифаларни жойларда амалга ошириш учун ҳар бир ер участкаси белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши ва автомобил йўллари давлат кадастрларига қарашли бўлган ер участкаси, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Юқорида келтирилган схемада кўрсатилган тартиб асосида автомобил йўлларининг кадастр ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш учун биринчи навбатда 1-жадвалдаги тартибда маълумотларни тўплаш ишлари амалга оширилиши керак.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, АЙДКга қарашли ер ва бино - иншоотларни давлат автомобил йўллари кадастри рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар 2 – жадвалдаги тартибда берилади.

Кадастр рўйхати, кадастр маълумоти давлат автойўллар кадастри корхона китобига киритилади. Давлат автомобил йўллари кадастрига қарашли автомобил йўлларига асосий техник тавсифи тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда берилган тартибда тўпланади.

Давлат автомобил йўллари рўйхатидан биринчи навбатда рўйхатдан объектни ўтказишда маълумотлар ва фойдаланишга топширилганлиги, сўнги вақтдаги кадастр объектини ҳолати текширилади ва маълумот олинади.



## Автомобил йўллари кадастри маълумотларининг рўйхати

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Иншоот номи	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўли
2.	Идорага қарашлигилиги, юқори ташкилот номи	Самарқанд ХДААЙСИФТ “Ўзавтойўл” ДАК
3.	Тўлиқ номланиши	4Р-48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўли
4.	Ташкил этилган вақти	1972 йил
5.	Асосий ҳужжат, нимага асосланиб иншоот ташкил қилинганлиги, яъни ер участкасига тегишли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилади (махаллий ҳокимият ёки суд қарори, давлат ордери, олди сотди шартномаси)	Вазирлар Маҳкамасининг №169 қарорига асосан “Ўзавтойўл” ДАК
6.	Давлат корхонасининг номи	Пайариқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси.
7.	Ер участкасини рўйхатга ҳисобга олинган вақти	1999 йил
8.	Ким томонидан ер участкаси фойдаланишга берилган вақти ва давлат акт номери	Пайариқ тумани ҳокимияти 1999 йил
9.	Ер участкаси хатловига асосан “ер участкаси паспорти” расмийлаштирилади	2012 йил
10.	Ер участкасини умумий майдони	495000
11.	Ер участкаларини сони	1
12.	Объектларнинг ер участкаси плани	1
13.	Туман ер участкасини схемаси	1
14.	Йўл ер участкасини таъмирланиш ҳолати, ким томонидан тасдиқланган, қачон ва акт номери	“Ўзавтойўл” ДАК томонидан ҳар йилда бир марта
15.	Ер участкасини чегараси қачон ва ким томонидан қайд этилган	“Ўзавтойўл” ДАК
16.	Ер участкасининг чегарасини ўрнатиш, белгилаш ва келишиш ҳамда давлат кадастри рақамини бериш далолатномаси тузилади	Вазирлар Маҳкамаси ҳамда “Ўзавтойўл” ДАК
17.	Ер участкаси сервитути ва ҳимоя зонаси аниқланади	II тоифага асосан
18.	Ер участкасини доимо ердан фойдаланувчи билан ўртасидаги шартномаси, иккинчи вақтга фойдаланиш майдони	Шартнома асосида
19.	Ер участкаси ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади	1999 йил
20.	Ер участкасидаги ер турлари структураси	Супис, Сугленик
21.	Ер участкасининг эгаси ва фойдаланувчи субъектини тиклаш	Қонун доирасида
22.	Ер ҳудудининг навбатчи харитасига мазкур ер участкаси тасвири киритилади	Автомобил йўллари тўғрисидаги қонунга мувофиқ
23.	Ер участкасини доимо ердан фойдаланувчи билан ўртасидаги шартномаси, иккинчи вақтга фойдаланиш майдони, уни тўғри йўналтириш	Ўрнатилган тартибда Автомобил йўллари тўғрисидаги қонунга мувофиқ

## Давлат автомобил йўллари кадастри рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Объект тури, унинг номи	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўли
2.	Объектни кадастр коди	14:09:01:02:003
3.	Автомобил йўллари объектини умумий номи ва объектни номери	4Р-48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўли
4.	Объектни жойлашган жойи	Самарқанд вилояти Пайариқ тумани
5.	Объектни тоифаси	I-II тоифа
6.	Объектни фойдаланишга топширилган вақти	1948 йил
7.	Хизмат қилиш зонаси	қатнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни, фойдаланиш қисми икки томонда 3 м дан 6 м, жами хизмат қилиш зонаси 15 м ни ташкил этади
8.	Йўлнинг ҳимоя зонаси	Ҳимоя кенглиги йўл ўқидан икки томонга 38 м дан, Жами 76 м., йўлнинг умумий узунлиги L=123 км., майдони 934,8 га ни ташкил этади.
9.	Йўлга қарашли объектлар сони, донa	2 та Йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли
10.	Объектни қуввати (ҳаракат жадаллиги, 1 суткада)	7000 дан ортик автосутка
11.	Йўлнинг узунлиги	33 км (Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳудудидан ўтувчи қисми)

12.	Йўлнинг қатлами (қалинлиги таркиби)	34 см
13.	Ер участкасини майдони	495000 (Самарқанд вилояти Пайариқ тумани худудидан ўтувчи қисми)

3-жадвал

*Давлат автомобил йўллари кадастрига қарашли автомобил йўлларининг асосий техник тавсифи*

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Йўлнинг номи ва рақами	4Р-48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўли
2.	Объектни аҳамияти халқаро, республика, вилоят, туман	Республика миқёсида
3.	Йўлнинг категорияси	I-II тоифа
4.	Тумандаги аҳамияти	Юк ва йўловчи ташиш
5.	Йўлнинг мустаҳкамлиги ва аниқлиги, см.	15 см
6.	Йўлнинг неча қатор йўналиши	2 тасмали
7.	Йўлдаги белгилар сони, дона	230
8.	Йўлдаги тротуарнинг эни ва узунлиги, км	2,25 м, узунлиги L=5,5 км
9.	Йўлга қарашли объектлар сони, дона	2 та Йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли
10.	Йўлдаги автомобил тўхташ жойини сони, дона	2 та, эни 10 м, бўйи 20 м, жами ер майдони 200 кв.м., 15 тагача автомобильларни сиғдириш қобилиятига эга
11.	Йўлнинг темир йўл билан кесишиш сони, дона	1 та, I тойифали, 2 тасмали темир йўл билан кесиган, темир йўлнинг ҳимоя зонаси 50 м.
12.	Йўл охириги марга қачон таъмирланган	1990 йил
13.	Объектни қайта қуриш учун кетадиган капитал маблағ	12,0 млрд. сўм
14.	Объектни қайта таъмирлаш учун кетадиган маблағ	10,0 млрд. сўм
15.	Объектни баланс қиймати	5,0 млрд. сўм
16.	Ер участкасини қиймати	5,4 млрд. сўм
17.	Объектнинг тўла қиймати	32,4 млрд. сўм

Автомобиль йўллари давлат кадастри навбатчи харитаси ва кадастр плани асосий ҳужжат ҳисобланиб автомобил йўллари кадастрида режим асосида сақланади, унга матнли ва рақамли маълумотлар киритилиб, янгиланиб борилади. Бундан ташқари атомобиль йўллари объектларининг кадастр плани асосий график шакл бўлиб, унда кадастр маълумотлари сақланади. атомобиль йўллари объектларининг кадастр плани объект ишга тушгандан кейин тузилади ва автомобиль йўллари давлат кадастри навбатчи харитасига киритилади. Кадастр навбатчи харитасида ер участкаси ва объектни кадастр рақамлари кўрсатилади. Автомобиль йўллари давлат кадастри навбатчи харитасида объектларнинг ҳамма техник қийматлари сақланади. Автомобиль йўллари давлат кадастри навбатчи харитаси объектларни ўлчамига қараб масштабда 1:10000-1:50000, план масштабда 1:500-1:2000 тузилади. Кадастр планида солиқ олинадиган майдон (ер солиғи) кўрсатилади.

Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби 1-расмдаги “Автомобиль йўллар давлат кадастри маълумотлар базасини яратиш схемаси” асосида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорига 1-илова “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”
4. “Ўзавтойўл” Давлат Акционерлик концерни томонидан 1997 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги автомобиль йўллари кадастрининг ҳолати ва тузилиши тўғрисида”ги Йўриқномаси.

**АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИГА ТЕГИШЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ПАСПОРТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

*В.Р.Ниязов, У.Рахимов, 201-ГКК гуруҳи талабаси Д.Ҳамдамова*

**Annotation.** *In this scientific article, sanctified questions of the technical taking of inventory and passport system of highways, preparation of cadastre documents, to the technical elements of roads, creation of cadastre database and determination of protective zones, and similarly to the regional use of highways.*

Автомобиль йўллари техник рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш, келгусида йўл тармоқларини ривожлантириш, қайта қуриш йўли билан таъмирлаш ва фойдаланилаётган йўлларни сақлаш бўйича ишларни оқилона режалаштириш мақсадида йўлларнинг ва йўл иншоотларининг мавжудлиги, уларнинг масофаси ва техник ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни олиш учун амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги ҳамма автомобиль йўллари техник кўриқдан ўтказилишлари лозим. Рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш амалдаги талабларга риоя қилинган ҳолда, ҳар битта автомобиль йўлида алоҳида амалга оширилади.

Автомобиль йўлларида жойлашган элементларнинг техник кўрсаткичлари ва уларга ажратилган минтақалар тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган тартибда рўйхатдан ўтказилишлари лозим.

1-жадвал

Автомобиль йўлларида жойлашган элементларнинг техник кўрсаткичлари ва уларга ажратилган минтақалар тўғрисидаги маълумотлар




№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	йўл учун ажратилган минтақа	Ҳимоя кенглиги йўл ўқидан икки томонга 38 м дан, Жами 76 м., йўлнинг умумий узунлиги L=123 км., майдони 934,8 га ни ташкил этади (ШНК 2.10.09-10 га асосан).
2.	йўлнинг пойи	катнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни, фойдаланиш қисми икки томонда 3 м дан 6 м, жами хизмат қилиш зонаси 15 м ни ташкил этади
3.	катнов қисми	катнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни ташкил этади 9 м
4.	Сунъий иншоотлар:	
	А) Кўприклар сони	1 та, ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобилияти 35 тонна, кўприкнинг баландлиги 4 м
	Б) Тоннеллар сони	1 та, эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км
	В) Кўчига қарши объектлар	3 та, узунлиги L=300 м, ҳимоя устунчаларининг баландлиги 1 м, орқа томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор
5.	йўл хизматиға қарашли бинолар	2 та Йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли
6.	<b>Автомобил йўлиға қарашли бўлмаган, йўлнинг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер ости муҳандислик қурилмалари</b>	
	электр	380 V ер ости электр кабели, ҳимоя кенглиги 1м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	қўшимча	йўк
	газ	Диаметри D=100 мм. ли ер ости газ қувури, ҳимоя кенглиги 5м.дан, қувур узунлиги L=72,47 м, майдони 722,96 кв.м.
	сув	Диаметри D=70 мм. ли ер ости сув қувури, ҳимоя кенглиги 5м.дан, қувур узунлиги L=80 м, майдони 800 кв.м.
	оқова	Диаметри D=100 мм. ли ер ости оқова сув қувури, ҳимоя кенглиги 5м.дан, қувур узунлиги L=100 м, майдони 1000 кв.м.
	иссиклик	D=70 ли қувур, узунлиги L=100 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	телефон	Ер ости телефон алоқа кабели, ҳимоя кенглиги 1м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	рад, теле	йўк
7.	<b>Автомобил йўлиға қарашли бўлмаган, йўлнинг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер усти иншоотлари</b>	
	электр	6000 V ли электр токи, узунлиги L=500 м, баландлиги 10 м, ҳимоя кенглиги 15 м.дан, майдони 15000 кв.м.
	қўшимча	йўк
	газ	D=70 ли газ қувури, узунлиги L=100 м, баландлиги 3 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	сув	D=100 ли сув қувури, узунлиги L=700 м, баландлиги 1 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 700 кв.м.
	иссиклик	D=70 ли қувур, узунлиги L=100 м, баландлиги 3 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	телефон	Телефон алоқа кабели, ҳимоя кенглиги 1м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	рад, теле	йўк
8.	йўлларнинг жихозланганлиги ва кўкаламзорлаштирилганлиги	Самарқанд ХДААЙСИФТ “Ўзавтойўл” ДАК ташкилоти томондан ҳар йилда бир марта
9.	автотранспорт хизматиға қарашли бинолар	“Ўздарётранс” миллий агентлигиға қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси

Йўллارни текшираётганда асосан асбоблар ёрдамида текшириш усуллари қўлланилади. Геометрик параметрларни ўлчаш, қопламанинг шикастланганлик даражасини баҳолаш, йўллардаги жихозлар ва қурилмалар ҳақида маълумотларни тўплаш ва ҳаракат жадаллигини ҳисоблаш автомобиль йўлларини паспортлаштириш лабораторияси ёрдамида амалга оширилади. Йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги, текислиги ва қопламанинг сирпанчиқлик даражасини баҳолаш учун махсус кўчма лабораториядан фойдаланилади. Олинган маълумотлар компьютер ёрдамида ишланади ва таҳлил қилиниб йўл-ахборот банкига киритилади.

Кадастр рўйхати, кадастр маълумоти давлат автойўллар кадастри корхона китобига киритилади. Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектларга тегишли маълумотлар 2-жадвалда келтирилган тартибда расмийлаштирилади.

2-жадвал

**Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектларга тегишли маълумотларни расмийлаштириш тартиблари**

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Кўприклар сони	1 та, шартли белгиси  $\text{ОА} \frac{12-10}{35} 4$ (таснифи ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобилияти 35 тонна, кўприкнинг баландлиги 4 м)
2.	Тоннеллар сони	1 та, шартли белгиси <b>Туннель</b>  эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км
3.	кўчишга карши иншоотлар сони	3 та, шартли белгиси  узунлиги L=300 м, химоя устунчаларининг баландлиги 1 м, орка томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор
4.	асфальт бетон заводи	Оқдарё ТЙХПТФКга қарашли асфальт заводи, номи Оқдарё АБЦ ДС-117 К, ишлаб чиқариш қуввати 20 тонна/соат, техник соз шартли белгиси 
5.	карьерлар	Фарход каръери (КША), таснифи тош ишлаб чиқаради, карьернинг баландлиги 3 м, шартли белгиси 
6.	майдаловчи цехлар	Фарход каръери (КША)га қарашли тош майдаловчи цех, таснифи тош ишлаб чиқаради, ишлаб чиқариш қуввати 30 тонна/соат, техник соз
7.	темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи завод	Жомбой темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи заводи ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна/соат, техник соз
8.	таъмирлаш заводи	Пайариқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси.
9.	трест ва қурилиш бошқармаси	«Ўзавтойўл» ДАКнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига қарашли Самарқанд вилояти «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ лойиҳа институти
10.	Автокорхоналар сони	«Ўздарётранс» миллий агентлигига қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси
11.	социал объектлар	Пайариқ тумани «КамолотЕИХ» биноси

Автойўллар кадастрини рўйхат қилишда иншоот ва бинолар кадастри маълумотлар орқали рўйхат қилиниши керак.

**Автомобиль йўлларига ажратилган минтақалардан фойдаланиш тартиби.** Автомобиль йўлларида фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар, автомобиль йўллари минтақасида ер ости ва устидан ўтувчи ҳамда бошқа иншоотлар ва коммуникацияларни курувчи ёки таъмирловчи ташкилотларнинг ушбу тартибга амал қилиши мажбурийдир.

1. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун хавфсизлик минтақаси (қизил чизиккача бўлган масофа) йўлларнинг тоифалари бўйича қурилиш учун ажратилган ер тасмаси чегарасидан қуйидагича белгиланади:

1 ва 2 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 25 метр;

3 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 20 метр;

4 ва 5 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 15 метр.

Автомобиль йўллари қурилиши учун ажратилган ер тасмаси чегараси тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидаларида белгиланган.

2. Шаҳар кўчалари учун хавфсизлик минтақаси (қизил чизиккача бўлган масофа) шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган (1, 2 ва 3-жадваллар).

3. Автомобиль йўллари ва уларнинг хавфсизлик минтақаларида қуйидагилар тақиқланади:

автомобиль йўллари ва кўчаларни, улардаги сунъий иншоотларни сақлашга ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қуриш;

ажратилган минтақада ҳамда кўприклардан, йўл ўтказгичлардан ва эстакадалардан 200 метргача бўлган масофаларда лагерлар, палаткали шаҳарчалар барпо этиш ва олов ёқиш;

дарёлардаги кўприклардан ўзан бўйлаб юқорига ва пастга қараб 2,5 км. гача бўлган масофада қум ва тошлар олиш учун карьерлар барпо этиш;

ер шўрини ювиш, йўл четидаги ариқчалардан суғориш учун фойдаланиш, маданий қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, яшил минтақани суғориш каби ишларда автомобиль йўлларини сувга бостириш, ажратилган минтақани балчиқлантириш.

4. Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар:

автомобиль йўлига туташ буталарни парвариш қилиши ва иморатларни соз ҳолатда сақлаши;

автомобиль йўли ўқидан 50 метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймаслиги шарт.

5. Ҳалқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга йўллар билан туташувчи ва кесиб ўтувчи барча йўллар асосий йўлдан иккала тарафда 100 м масофагача қаттиқ қопламали бўлиши шарт.

6. Биринчи ва иккинчи тоифали ҳамда келажакда қайта таъмирланиб юқори тоифага ўтказилиши режалаштирилган учинчи тоифали автомобиль йўлларининг иккала тарафида ҳам яқин масофаларда иморатлар қуриш тақиқланади.

Автомобиль йўлининг кўндаланг кесимининг асосий ўлчамлари 3-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида аниқланади.

Автомобиль йўлларининг бир тарафидан қуйидаги ҳолларда, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари (ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари, бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари) асосида қишлоқ хўжалиги ерларига иморатлар қурилиши, Ҳукумат қарорларида белгиланган ҳолларда - белгиланган тартибда объектлар:

йўлнинг қатнов қисми четидан:

очиқ жойларда - 200 метр узокликда;

аҳоли яшаш жойларида, автомобиль йўлларининг аҳоли пунктлари чегаралари туташган тарафида - 100 метр узокликда жойлаштирилиши мумкин.

3-жадвал

**Йўл кўндаланг кесимининг асосий ўлчамлари**

Йўл элементлари ўлчамлари	Автомагистрал	Тезкор йўл	Одатдаги йўл тури			
	тоифаси					
	Ia	Iб	II	III	IV	V
Ҳаракат тасмаларининг умумий сони	4 ва ундан ортиқ	4 ва ундан ортиқ	2	2	2	1
Ҳаракат тасмаси кенглиги, м	3,75	3,75	3,75	3,5	3,0	4,5
Йўл ёқаси кенглиги, м	3,75	3,75	3,75	2,5	2,0	1,75
Йўл ёқасидаги четки тасма кенглиги, м	0,75	0,75	0,75	0,5	0,5	-
Йўл ёқасининг мустақамланган қисми кенглиги, м	2,5	2,5	2,0	1,5	1,0	-

Йўл ўқи бўйлаб тўсиқлар ўрнатилмаганда марказий ажратувчи тасманинг энг кам кенглиги, м	6,0	5,0	-	-	-	-
Йўл ўқи бўйлаб тўсиқлар ўрнатилганда марказий ажратувчи тасманинг энг кам кенглиги, м	2 м тўсиқ кенглиги		-	-	-	-
Ажратувчи тасма четидаги хавфсизлик тасмасининг кенглиги, м	1,0		-	-	-	-
Йўл пойининг кенглиги, м	28,5 ва ундан ортик	27,5 ва ундан ортик	15,0	12,0	10,0	8,0

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. *Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.*
2. *Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорига 1-илова “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”*
4. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташиқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сонли қарор.*

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТЕХНОГЕН ХАВФИ ЮҚОРИ БЎЛГАН  
СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН ЭКОЛОГИК  
МОНИТОРИНГ ИШЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

*Ҳасанова С (302-ГКК (БИК) гуруҳи талабаси СамДАҚИ).,  
Бобобеков И.Н (СамДАҚИ)., Ғозиев Т.Ч (СамҚХИ).*

Республикаимиз мустақилликка эришгач суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини мутассил ошириб бориш ҳамда уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, тупроқ унумдорлигига кўплаб омиллар салбий таъсир кўрсатади. Шундай омиллардан бири тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланишидир.

Тупроққа тушган оғир металллар биокимёвий окимларга қўшилади ва табиий тизимларнинг экологик барқарорлигини бузади. Вақт ўтиши билан бу токсик элементлар кўп миқдорда тўпланиб тупроқни таркиби ва физик-кимёвий, микробиологик хоссаларини сезиларли равишда ўзгартиради. Оқибатда бу тупроқдаги биогеоценозларга, тирик организмларга ва улар экологиясига салбий таъсир кўрсатади [1,2,3]. Шунинг учун ҳам ҳар-хил объектлар атрофида жойлашган тупроқлардаги оғир металллар миқдорини аниқлаш, уларга турли-хил антропоген омилларни таъсирини ўрганиш ва улар миқдорини камайтириш йўллариини ишлаб чиқиш тупроқ унумдорлиги ва экологиясида катта рол ўйнайди.

Самарқанд вилояти суғориладиган тупроқлари шароитида оғир металлларнинг тарқалишида асосий манбалардан бири ушбу ҳудудда жойлашган кимё комбинати ҳисобланади. Комбинатнинг узоқ муддатли фаолияти натижасида (1954 йилдан буён) ундан чиққан чиқиндилар атрофдаги тупроқларни оғир металллар билан ифлослантириб келган [3]. Шу мақсадда биз ушбу ҳудуддаги суғориладиган ерларнинг оғир металллар билан ифлосланишини мониторинг қилиш ишларини олиб бордик.

Тадқиқотда тупроқ таркибидаги оғир металллардан кобальт ва мишяк элементлари аниқланди. Бунда тупроқ намуналари олиш ва анализ қилиш умумқабул қилинган услубларда олиб борилди.

Ўрганилган ҳудудда оғир металллардан мишяк элементининг энг кўп миқдори комбинатнинг ғарб ва шимолий-ғарб йўналишларида 1500 метр узоқликкача бўлган масофаларда кузатилди. Кобальт элементи билан комбинатнинг асосан атрофи ҳамда ғарб ва шимолий-ғарб йўналишларидаги тупроқлар кучли ифлосланган, бу элементнинг энг кўп миқдори 550 мг/кг бўлиб, у комбинатнинг шимолий-ғарб йўналишида кузатилди. Оғир металлларнинг тупроқда тарқалиши кимёвий комбинатдан йўналишлар ва масофалар бўйича ўзгариб боради. Оғир металллар билан энг кўп зарарланган тупроқлар кимёвий комбинатнинг ғарб, шимолий-ғарб ва шимол йўналишларида учрайди. Элементларнинг бу йўналишларда кўп бўлиш сабаби, узоқ вақт давомида комбинатдан чиқарилган чиқиндилари (пирит кукуни,

колчедан ва бошқалар) шу томонларга ташланган ва улар очик ҳолатда сақланганлиги натижасида шамол, ёмғир ва суғориш сувлари билан атроф- муҳитга тарқалган. Бундан ташқари комбинат трубаларидан чиқаётган чанг ва дудларнинг шарқ ва жанубий-шарқ йўналишидан эсаётган доимий шамол натижасида ғарб ва шимолий-ғарб йўналишлар томон тарқалиши ҳам оғир металллар тарқалишида муҳим ўрин тутди. Комбинатнинг жануб ва шарқ йўналишидаги тупроқлар оғир металллар билан кам ифлосланган. Комбинатдан узоқлашаган сайин оғир металллар миқдори ҳам ўзгаради ва 1500 метр узоқликдан сўнг миқдори камая боради. Оғир металллар билан энг кучли ифлосланган ҳудудлар комбинатнинг ғарб йўналишида -2000 метр, шимолда-1500 метр, жануб ва шарқ йўналишларида эса 1000 метргача бўлган масофаларда кузатилади. Келтирилган масофалардан сўнг тупроқ таркибида оғир металллар миқдори кескин камайди ҳамда комбинатдан 5000 метр узоқликдаги масофаларда баъзи йўналишларда ўрганилган айрим элементлар миқдори фон миқдорига яқинлашади ёки тенглашади.

Олиб борилган мониторинг ишлари натижалари асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин. Самарқанд кимё комбинати фаолияти натижасида суғориладиган ерлар оғир металллар билан кучли ифлосланган. Уларнинг тупроқда тўпланиши ва тарқалишига узоқ йиллар давомида комбинатдан чиқарилган турли-хил қаттиқ чиқиндиларнинг комбинат атрофига ташланганлиги ҳамда уларнинг очик ҳолда сақланиши шунингдек комбинат трубаларидан чиқаётган чанг ва дудларнинг шамол таъсирида атроф-муҳитга тарқалиши сабаб бўлган. Шунинг учун ушбу ерларда тупроқ таркибидаги оғир металлларни камайтириш бўйича мелиоратив тадбирлар олиб бориш зарур.

*Фойдаланилган адабиётлар.*

1. Абдуллаев Х.А. *Биогеохимия ва тупроқ муҳофазаси асослари. Тошкент. "Ўқитувчи" 1989.*
2. Алексеев Ю.В. *"Тяжелые металлы в почвах и растениях"* Л. *Агропромиздат. 1987. 141 с.*
3. Бобобеков И. *Техноген ифлосланган типик бўз тупроқлардаги оғир металллар миқдорини камайтиришга органик ва минерал ўғитларнинг таъсири (Самарқанд кимё комбинати атрофи тупроқлари мисолида). Қ.-х. ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент 2006. 22 б.*

## ПРИМЕНЕНИЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ (КОМПЬЮТЕРНЫХ) ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ОБУЧЕНИЯ «ГЕОДЕЗИИ»

*Артиков Г.А., Салахитдинов А.А., Нишанов А. СамГАСИ*

**Annotation.** In article it is considered to use of innovative, active and interactive methods of training in high school, in system of training of such special technical discipline, as "Geodesy". Application application of geoinformation (computer) technologies in training Is offered to the given discipline. The technology of work of geoinformation (computer) system is described and their advantages are shown.

Современные образовательные стандарты, с одной стороны, расширяют возможности вузов в разработке рабочих программ, с другой – значительно повышают ответственность преподавателя и вуза в целом за качество обучения. Главными характеристиками выпускника являются мобильность и компетентность. В связи с этим акценты при изучении дисциплин переносятся на сам процесс познания. Успешность достижения этой цели зависит от познавательной активности самого студента. Главной задачей преподавателя является создание условий для превращения студента в активного участника процесса профессионального становления, что подразумевает:

- создание новых учебных и учебно-методических пособий;
- организацию продуктивного взаимодействия в ходе аудиторных занятий;
- организацию самостоятельной внеаудиторной работы студентов;
- придание всему процессу обучения поисково-творческого характера.

Происходит изменение характера преподавательской деятельности. Педагог вуза не только сообщает студентам учебную информацию, но помогает определить им пути, формы, способы приобретения знаний, направляет их самостоятельный поиск в нужное русло, выявляет и помогает преодолевать проблемы, дает советы по использованию научных знаний в решении прикладных задач, организует процедуру оценки и самооценки уровня сформированности необходимых умений и навыков. Иначе говоря, преподаватель все больше выступает не только как специалист в той или иной области науки, но и как профессионал в деле организации образовательного процесса.

Особое внимание следует уделять использованию инновационных, активных и интерактивных методов обучения, одним из которых является применение

геоинформационных (компьютерных) технологий [2]. В этих условиях на первое место выходит профессионализм преподавателя, его компетентность в теории педагогики высшей школы и методики обучения, особенно таких специальных технических дисциплин, как «Геодезия».

На современном этапе научно – технического прогресса развитие общества немислимо без применения геоинформационных (компьютерных) технологий, поскольку для принятия решений в любой сфере деятельности человеку требуются актуальные знания о состоянии окружающей среды, тенденциях на рынке товаров и услуг, об экологической обстановке и т. д [3]. Такая информация рассредоточена по множеству организаций различных министерств и ведомств и зачастую оказывается недоступной для потребителей или теряется в пучине информационных потоков.

Возможность применения геоинформационных (компьютерных) технологий в системе обучения таким специальным техническим дисциплинам, как «Геодезии» позволяют:

- повысить интерес студентов к геодезии;
- увеличить роль наглядности в обучении геодезии;
- включить в процесс обучения геодезии новые типы задач на построение;
- в процессе решения задачи оказывать студентам необходимую помощь;
- наглядно предъявлять студенту результаты его деятельности;
- повысить объективность контроля знаний студентов;
- успешно сочетать коллективные и индивидуальные формы обучения;
- способствовать формированию пространственной интуиции, конструктивных умений;
- естественным способом знакомить студентов с новыми информационными технологиями

в области геодезии.

Целью создания геоинформационных (компьютерных) систем является концентрация информации для более эффективного ее использования [1]. Работу геоинформационной (компьютерной) системы любого назначения обеспечивают блоки, состав которых можно представить в виде схемы (рис.1).

Пополнение такой системы данными с различных устройств (клавиатура, накопители информации и т. д.) обеспечивает **блок ввода информации**.

В **блок отображения информации** входят различные формы ее представления для последующего просмотра и изучения [4].

**Блок обработки информации** является одним из центральных и предназначен для решения задач по ее преобразованию. Он формируется на базе мощного компьютерного оборудования, программного обеспечения и требует высококвалифицированного обслуживающего персонала.



Рисунок - 1

**Блок экспертной оценки и интеграции информации** осуществляет анализ полученных данных, их оценку, преобразование и объединение с другими видами данных.

**Блок хранения информации** обеспечивает поддержку серверов реляционных баз данных, которые представляют собой данные о пространственных объектах местности, включающие сведения об их местоположении, форме и свойствах [4]. При этом под пространственными объектами мы понимаем объекты или явления, которые могут быть однозначно определены в пространстве и описаны в виде набора атрибутов.

**Блок телекоммуникаций** формируется благодаря развитию сетей Internet и Intranet и обеспечивает обмен информацией.

**Блок вывода информации** требует специализированных устройств, таких как мониторы, плоттеры, принтеры и т. д. [ 5].

**Блок обратной связи** предназначен для корректировки результатов, получаемых на выходе информационной системы.

Внедрение геоинформационных (компьютерных) систем способствует получению наиболее приемлемых вариантов решения задач путем использования автоматизированных методов, интеллектуальных и экспертных систем. Они обеспечивают также снижение доли рутинной работы операторов за счет автоматизации процессов формирования достоверной информации в условиях многократного ее использования.

*Литература:*

1. *Атре, Ш. Структурный подход к организации баз данных. Ш. Атре. – М.: Финансы и статистика, 1983. – 320 с.*
2. *Берлянт, А.М. Взаимодействие картографии и геоинформатики / А.М. Берлянт. – М.: Научный мир, 2000. – 189 с.*
3. *Бугаевский, Л.М. Геоинформационные системы. – М.: Златоуст, 2000. – 221 с.*
4. *Ваулина, Е.Ю. Термины современной информатики / Е.Ю. Ваулина. – М., 2004.*
5. *Глазунов, В.В. Геоинформационные системы / В.В. Глазунов. – СПб.: ВИРГ-рудгеофизика,*

## **АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ КАДАСТР МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ ВА ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ.**

*Асс. В.Р.Ниязов, асс. У.А.Рахимовов, 401-ГКК гуруҳи талабаси Ф.Қ Норжигитов.*

**Annotation.** In this scientific article, methodology over of creation and conduct of state cadastre documents is brought in our Republic, to taking of inventory and creation of base of these highways, and necessary data are similarly sanctified for creation of this system.

Автомобиль йўллари давлат кадастри "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги, "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва "Ўзбекистон Республикасидаги автомобиль йўллари кадастрининг ҳолати ва тузилиш" Йўриқномаси "Ўзавтойўл" Давлат Акционерлик концерни томонидан тасдиқланган (1997 й.). Ушбу йўриқнома амалий норматив ҳужжат бўлиб давлат автомобил йўллари кадастри учун қўлланилади.

**АЙДК** - бу автомобиль йўллари объектлари, уларнинг географик ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ва иқтисодий баҳолаш тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот тизими. АЙДК ДҚЯТнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда автомобиль йўллари объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида юритилади. Мавжуд бўлган ва қурилаётган автомобиль йўллари, махсус иншоотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган автомобиль йўлларининг бошқа объектлари АЙДК объектлари ҳисобланади.

Автомобил йўллар кадастри қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Давлат автомобил йўллари кадастридаги объектларни рўйхатга олиш;
2. Давлат автомобил йўллари кадастридаги асосий объектларни техник характеристикаси;
3. Давлат автомобил йўллари кадастридаги объектларни баҳолаш;
4. Корхона кадастри китобини ташкил этиш;
5. Корхонани кадастр планини тузиш;
6. Давлат автомобил йўллари кадастрининг йил ҳисоботини тузиш;
7. Давлат автомобил йўллари кадастрига автоматлаштирилган информацион тизим қиритиш;
8. Бошқалар:
  - а) корхонанинг кадастр плани - туман автомобиль йўллари бошқармаси;
  - б) корхонанинг кадастр китоби - асфальт бетон заводи;
  - в) корхонанинг кадастр китоби – карьералар;
  - г) корхонанинг кадастр китоби - таъмирлаш заводи, қурилиш бошқармаси, темирбетон заводи, автобаза учун (ҳар бири учун алоҳида) шакл.

Ушбу вазифаларни жойларда амалга ошириш учун ҳар бир ер участкаси белгиланган тартибда хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши ва автомобил йўллари давлат кадастрларига қарашли бўлган ер участкаси, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Автомобил йўлларининг кадастр ҳужжатини тайёрлашда биринчи навбатда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

*Автомобил йўллари кадастри маълумотларининг рўйхати:*



<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>
1.	Иншоот номи	Умумий фойдаланишдаги автомобил йўли
2.	Идорага қарашлигилиги, юқори ташкилот номи	Самарқанд ХДААЙСИФТ “Ўзавтойўл” ДАК
3.	Тўлиқ номланиши	4Р-48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўли
4.	Ташкил этилган вақти	1972 йил
5.	Асосий ҳужжат, нимага асосланиб иншоот ташкил қилинганлиги, яъни ер участкасига тегишли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилади (махаллий ҳокимият ёки суд қарори, давлат ордери, олди сотди шартномаси)	Вазирлар Маҳкамасининг №169 қарорига асосан “Ўзавтойўл” ДАК
6.	Давлат корхонасининг номи	Пайариқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси.
7.	Ер участкасини рўйхатга ҳисобга олинган вақти	1999 йил
8.	Ким томонидан ер участкаси фойдаланишга берилган вақти ва давлат акт номери	Пайариқ тумани ҳокимияти 1999 йил
9.	Ер участкаси хатловига асосан “ер участкаси паспорти” расмийлаштирилади	2012 йил
10.	Ер участкасини умумий майдони	495000
11.	Ер участкаларини сони	1
12.	Объектларнинг ер участкаси плани	1
13.	Туман ер участкасини схемаси	1
14.	Йўл ер участкасини таъмирланиш ҳолати, ким томонидан тасдиқланган, қачон ва акт номери	“Ўзавтойўл” ДАК томонидан ҳар йилда бир марта
15.	Ер участкасини чегараси қачон ва ким томонидан қайд этилган	“Ўзавтойўл” ДАК
16.	Ер участкасининг чегарасини ўрнатиш, белгилаш ва келишиш ҳамда давлат кадастри рақамини бериш далолатномаси тузилади	Вазирлар Маҳкамаси ҳамда “Ўзавтойўл” ДАК
17.	Ер участкаси сервитути ва ҳимоя зонаси аниқланади	II тоифага асосан
18.	Ер участкасини доимо ердан фойдаланувчи билан ўртасидаги шартномаси, иккинчи вақтга фойдаланиш майдони	Шартнома асосида
19.	Ер участкаси ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади	1999 йил
20.	Ер участкасидаги ер турлари структураси	Супис, Сугленик
21.	Ер участкасининг эгаси ва фойдаланувчи субъектини тиклаш	Қонун доирасида
22.	Ер ҳудудининг навбатчи харитасига мазкур ер участкаси тасвири киритилади	Автомобил йўллари тўғрисидаги қонунга мувофиқ
23.	Ер участкасини доимо ердан фойдаланувчи билан ўртасидаги шартномаси, иккинчи вақтга фойдаланиш майдони, уни тўғри йўналтириш	Ўрнатилган тартибда Автомобил йўллари тўғрисидаги қонунга мувофиқ

*Давлат автомобил йўллари кадастри рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар қуйидаги жадвалда берилади:*

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>
1.	объект тури, унинг номи	умумий фойдаланишдаги автомобил йўли
2.	объектни кадастр коди	14:09:01:02:003
3.	автомобил йўллари объектини умумий номи ва объектни номери	4Р-48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўли
4.	объектни жойлашган жойи	Самарқанд вилояти Пайариқ тумани
5.	объектни тоифаси	I-II тоифа
6.	объектни фойдаланишга топширилган вақти	1948 йил
7.	хизмат қилиш зонаси	қатнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни, фойдаланиш қисми икки томонда 3 м дан 6 м, жами хизмат қилиш зонаси 15 м ни ташкил этади
8.	йўлнинг ҳимоя зонаси	ҳимоя кенглиги йўл ўқидан икки томонга 38 м дан, Жами 76 м., йўлнинг умумий узунлиги L=123 км., майдони 934,8 га ни ташкил этади.
9.	йўлга қарашли объектлар сони, дона	2 та йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли
10.	объектни куввати (ҳаракат жадаллиги, 1 суткада)	7000 дан ортиқ автосутка

11.	йўлнинг узунлиги	33 км (Самарқанд вилояти Пайариқ тумани худудидан ўтувчи қисми)
12.	йўлнинг қатлами (қалинлиги таркиби)	34 см
13.	ер участкасини майдони	495000 (Самарқанд вилояти Пайариқ тумани худудидан ўтувчи қисми)

Кадастр рўйхати, кадастр маълумоти давлат автойўллар кадастри корхона китобига киритилади. Давлат автомобил йўллари кадастрига қарашли автомобил йўлларига асосий техник тавсифи қуйидаги жадвалда берилади. Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектлар шуларга:

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	кўприклар сони	1 та, шартли белгиси  $\text{А} \frac{12-10}{35} 4$ (таснифи ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобилияти 35 тонна, кўприкнинг баландлиги 4 м)
2.	тоннеллар сони	1 та, шартли белгиси <b>Туннель</b>  эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км
3.	кўчишга қарши иншоотлар сони	3 та, шартли белгиси  узунлиги L=300 м, химоя устунчаларининг баландлиги 1 м, орқа томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор
4.	асфальт бетон заводи	Оқдарё ТИХПТФКга қарашли асфальт заводи, номи Оқдарё АБЦ ДС-117 К, ишлаб чиқариш қуввати 20 тонна/соат, техник соз шартли белгиси 
5.	карьерлар	Фарход каръери (КША), таснифи тош ишлаб чиқаради, карьернинг баландлиги 3 м, шартли белгиси 
6.	майдаловчи цехлар	Фарход каръери (КША)га қарашли тош майдаловчи цех, таснифи тош ишлаб чиқаради, ишлаб чиқариш қуввати 30 тонна/соат, техник соз
7.	темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи завод	Жомбой темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи заводи ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна/соат, техник соз
8.	таъмирлаш заводи	Пайариқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси.
9.	трест ва қурилиш бошқармаси	«Ўзавтойўл» ДАКнинг тегишли худудий бўлинмасига қарашли Самарқанд вилояти «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ лойиҳа институти
10.	автокорхоналар сони	«Ўздарётранс» миллий агентлигига қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси
11.	социал объектлар	Пайариқ тумани «Камолот ЁИХ» биноси

автойўллар кадастрини рўйхат қилишда иншоот ва бинолар кадастри маълумотлар орқали рўйхат қилиниши керак.

*Давлат автомобил йўллари кадастрига қарашли автомобил йўлларининг асосий техник тавсифи:*

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	йўлнинг номи ва рақами	4P-48 “Зарафшон тракти” автомобиль йўли
2.	объектни аҳамияти ҳалқаро, республика, вилоят, туман	Республика миқёсида
3.	йўлнинг категорияси	I-II тоифа
4.	тумандаги аҳамияти	Юк ва йўловчи ташиш
5.	йўлнинг мустаҳкамлиги ва аниқлиги, см.	15 см
6.	йўлнинг неча қатор йўналиши	2 тасмали
7.	йўлдаги белгилар сони, дона	230
8.	йўлдаги тротуарнинг эни ва узунлиги, км	2,25 м, узунлиги L=5,5 км
9.	йўлга қарашли объектлар сони, дона	2 та Йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли
10.	йўлдаги автомобил тўхташ жойини сони, дона	2 та, эни 10 м, бўйи 20 м, жами ер майдони 200 кв.м., 15 тагача автомобильларни сиғдириш қобилиятига эга
11.	йўлнинг темир йўл билан кесишиш сони, дона	1 та, I тоифали, 2 тасмали темир йўл билан кесиган, темир йўлнинг ҳимоя зонаси 50 м.
12.	йўл охири марта қачон таъмирланган	1990 йил
13.	объектни қайта қуриш учун кетадиган капитал маблағ	12,0 млрд. сўм
14.	объектни қайта таъмирлаш учун кетадиган маблағ	10,0 млрд. сўм
15.	объектни баланс қиймати	5,0 млрд. сўм
16.	ер участкасини қиймати	5,4 млрд. сўм
17.	объектнинг тўла қиймати	32,4 млрд. сўм

Давлат автомобил йўллари рўйхатидан биринчи навбатда рўйхатдан объектни ўтказишда маълумотлар ва фойдаланишга топширилганлиги, сўнги вақтдаги кадастр объектини ҳолати текширилади ва маълумот олинади.

Атроф -муҳитни сақлаш тўғрисида қуйидаги асосий характеристикалар берилди:

- ❖ чиқиндиларни йўл бўйича ташамаслик;
- ❖ чанги кўтариладиган нарсаларни йўл бўйига ташамаслик;
- ❖ ҳавони механик газлар билан ифлослантирмаслик йўл устидаги территорияни;
- йўл бўйидаги сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик;
- йўл бўйича чиқинди материалларни ташламаслик талаб этилади.

Объектнинг кадастр планини тузиш. Кадастр плани асосий ҳужжат ҳисобланиб автомобил йўллари кадастрида режим асосида сақланади, унга матнли ва рақамли маълумотлар киритилади. Объектнинг кадастр плани асосий график шакл бўлиб кадастр маълумотлари сақланади. Кадастр плани объект ишга тушгандан кейин тузилади. Кадастр планида ер участкасини ва объектни коди кўрсатилади. Панда объектнинг ҳамма техник қийматлари сақланади. Кадастр плани объектни ўлчамига қараб масштабда 1:10000-1:50000, план масштабда 1:500-1:2000 тузилади. Кадастр планида солиқ олинадиган майдон (ер солиғи) кўрсатилади.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорига 1-илова “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва таъкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сонли қарор
5. “Ўзавтойўл” Давлат Акционерлик концерни томонидан 1997 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидаги автомобиль йўллари кадастрининг ҳолати ва тузилиши тўғрисида”ги Йўриқномаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 1998 йил 7 январдаги 387-сон йўриқнома.

## ELECTRONIC DISTANCE MEASUREMENT

*Yu.R.Ashirov, A.Sayimbetov  
Tashkent state agrarian university*

The distance between two points can be horizontal, slope, or vertical. A tape measure or an EDM device (such as a total station) can measure horizontal and slope distances. A distance measured on a slope can be trigonometrically converted to its horizontal equivalent by using the slope angle or vertical difference of elevation (DE). Figure 1 below illustrates a basic example of the geometry used to determine the horizontal distance of a measurement over uneven ground.




Figure 1. Geometry of an EDM measurement (FM 3-34.331).

Alternatively, the elevations of the occupied hubs (Stations A and B in Figure 1 above) may have been determined by differential levels. Applying the measured HI and HT yields the absolute elevation of the instrument and target. The measured slope distance "S" can then be reduced to a horizontal distance "H" given the delta elevation between the instrument and target. A meteorological correction is applied to the observed slope distance before reducing it to horizontal. Subsequently, the horizontal distance is corrected for grid scale and sea level. A traditional field book example of a horizontal slope distance observation is shown. In this example, slope distances are manually recorded along with meteorological data. A series of 10 slope distances were observed and averaged. A meteorological correction is applied along with a constant instrument/system constant. The resultant slope distance "T" is reduced to horizontal, then to a grid distance. No sea level correction was applied since this project was set on an arbitrary datum (PICES).

*a. Errors.* Distances measured using an EDM are subject to the same errors as direction measuring equipment. The errors also include instrumental component errors. Instrumental errors are usually described as a number of millimeters plus a number of ppm. The accuracy of the infrared EDM is typically  $\pm (5 \text{ millimeters} + 5 \text{ ppm})$ . The ppm accuracy factor can be thought of in terms of millimeters per kilometer, as there are 1 million millimeters in 1 kilometer. This means that 5 ppm equals 5 millimeters per kilometer. Errors introduced by meteorological factors must be accounted for when measuring distances of 500 meters or more. Accurate ambient temperature and barometric pressure must be measured. An error of 1 degree Celsius (C) causes an error of 0.8 ppm for infrared distances. An error of 3 millimeters of mercury causes an error of 0.9 ppm in distance.

*b. Instrument constants.* Although manufacturers provide instrument and prism constants, it is essential that instrument constants be verified under actual operating conditions, especially for precise surveys. The following factors must be considered:

The use of a prism typically provides an indicated distance longer than the true value. Applying a negative correction will compensate for this effect. Each prism should have its own constant or correction determined individually, and a master file should be maintained.

An instrument constant can be either positive or negative and may change due to the phase shifts in the circuitry. Therefore, a positive or a negative correction may be required.

The algebraic sum of the instrument and the prism constants are referred to as the total constant. The correction for the total constant (equal in magnitude but opposite in sign) is referred to as the total constants correction, from which the instrument or prism constant can be computed if one or the other is known.

## **ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФойДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Ю.Р.Аширов, А.Сайымбетов, М.Хужаназарова магистрант, Н.Махкамова талаба  
Тошкент давлат аграр университети*

Бугунги кунда ердан фойдаланишни ташкил этишни бошқариш, режалаштириш, агросаноат мажмуасининг барча йўналишларида ресурслар тежамкорлигини таъминлайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этади.

Ер ўзининг асосий хусусиятларидан ташқари ушбу ресурс ишлаб чиқариш воситаси, худудий бизнес, табиий бойлик, ҳуқуқий муносабатлар ва кўчмас мулк объекти бўлиб қолди.

Маъмурий-худудий даражада вилоят ва туманларда ер ресурсларини бошқаришнинг муҳим омилларида бири Давлат ер кадастри ҳисобланади. У ер муносабатларини иқтисодий тартибга солиш ва худудий давлат бошқарувининг ахборот асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ер кадастрининг асосий мувофиқланган қисми бозор шароитига мослашган бўлиши керак. Айниқса, бу ер муносабатлари субъектларига солиқ солиш қоидалари ва қонун ўзгариши тамойилларини тадбиқ этишда ҳамда турли тоифадаги ерларни давлат кадастри ёрдамида баҳолашнинг иқтисодий асосланган усулини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг бошқариш назариясини ишлаб чиқиш, ерни олди-сотди шакллари ва услубларини қўллаш, ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнларини, инвестицион, баҳолаш, суғурта фаолияти, ипотека кредитлаштириш, ерга оид қимматбаҳо қоғозлар билан муомала ўтказишни рағбатлантириш зарурияти ҳам туғилмоқда.

Ер манбаларидан фойдаланишга хўжалик механизми катта таъсир кўрсатади. Давлатнинг ҳуқуқий фаолияти ердан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг муҳим омили ва зарурий шартидир.

Ердан фойдаланишнинг амалга оширишни тарихий маънода ибтидоий ва замонавий шакллари фарқлаш мумкин.

Ҳозирги замон шакли ўзига хос ердан оқилона фойдаланишнинг икки турини, яъни экстенсив ва интензив турларини киритади. Тарихий маънода биринчи тури иккинчисидан илгари ўтган бўлиб, ҳозирги вақтда ердан фойдаланишнинг экстенсив ва интензив шакллари ўзаро бир-бири билан мустақам боғланган. Ердан экстенсив фойдаланиш қўшимча маҳсулот ҳажмини олиш учун ер майдонини кенгайтиришни назарда тутаяди, яъни, ўзлаштирилган ер майдонининг бирлигига катта меҳнат ва моддий маблағлар сарф қилиш йўли билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини кўпайтиришни мўлжаллайди. Лекин, яхши ва ўртача ерларни заҳираси қишлоқ хўжалигида кам ҳаражат билан ўзлаштириш амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларини бундан кейин кўпайтириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга тортиладиган ер участкаларини тубдан мелиорациялаш билан боғланган. Ердан фойдаланишнинг экстенсив шакли бу ерда интенсификация билан тутайиб кетади.

Ердан фойдаланишнинг интенсификация жараёни унинг учта муҳим вазифасини: табиат мажмуасининг компоненти сифатини; ишлаб чиқариш воситаси сифатини; худуд сифатини қамраб олади. Ердан фойдаланиш унинг вазифаларидан боғлиқликда интенсификация шаклларида ўзига хослиги намоён бўлишига мувофиқдир.

Табиат мажмуасининг компоненти сифатида ердан фойдаланиш интенсификацияси ердан бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларнинг оптимал миқдорини олишни билдиради. Бунда бир томондан, ерни маданийлаштириш ва ландшафтдан интензив фойдаланишни ўрнатиш имкониятини беради, иккинчи томондан, унинг бир қисмини табиий ҳолатида сақлаш ва қолдириш зарурлигини асослайди. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг интенсификацияси натижаси тупроқ унумдорлиги ва ер унумдорлигининг узлуксиз бориши билан ўлчанади. Бунга ерга тегишли бўлган туғри ва бевосита муносабатларнинг кенг тадбирлар мажмуасини ўтказиш билан эришилади.

Кўриниб турибдики, ердан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги замон шакллари инсон фаолияти учун зарурий маҳсулот олишга таъсири янада кўпроқ ўсиб бораётганлиги ва аксинча бу жараёнга табиий омиллар таъсирининг камайиб бораётганлиги, шунингдек, ернинг сифати камайиб бораётганлиги билан тавсифланади.

Одам меҳнатининг иштирокисиз ердан маҳсулот ундириб бўлмагани сингари ерни ҳам инсон учун зарурий маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидан чиқариб ташлаш мумкин эмас.

Ердан оқилона фойдаланишни амалга ошириш ердан фойдаланишнинг илмий асосланганлигини ташкил қилишни назарда тутаяди.

Ердан фойдаланишда уни муҳофаза қилинишини таъминлашнинг амалга оширилишини объектив иқтисодий қонунлар талабини ҳисобга олиш билан ташкиллаштиришга йўналтирилган. Давлатнинг ер ресурсларини бошқариш механизми ердан омилкорлик билан фойдаланишни ташкиллаштиришнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил қилиш нафақат (ер захираларини) бошқариш ёрдамида, балки иқтисодийнинг аграр секторида хўжалик механизми орқали ҳам амалга оширилади.

Агарда ер манбаларини бошқариш бевосита ердан фойдаланишни ташкил қилиш ва амалга оширишни тартибга солишга йўналтирилган бўлса, хўжалик механизми эса ердан фойдаланиш, ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни бошқариш муаммосини ечишни билвосита аграр муносабатларни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан ердан омилкорлик билан фойдаланишнинг хўжалик механизмини ажратиш мақсадга мувофиқдир.


Демак, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш - иқтисодий техник, ташкилий-хўжалик ва ҳуқуқий жиҳатдан давлат тадбирлар тизими бўлиб, ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш ва муҳофаза қилишда жамият ҳамда ер эгаллиги ва ердан фойдаланувчилар манфаатларини уйғунлаштира оладиган тадбирлар комплекси ҳисобланади.

## ОРГАНИЗАЦИЯ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ И ОХРАНЫ ЗЕМЕЛЬ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАЗНАЧЕНИЯ В РЫНОЧНЫХ УСЛОВИЯХ

*Ганиева Ф.С.*

In the process of social development land acquires new functions. This process is determined by the emergence of new social and economic relations and is accompanied by fundamental changes in land use.

В процессе развития общества земля приобретает новые функции. Этот процесс определяется становлением новых общественных и экономических отношений и сопровождается коренными преобразованиями в области землепользования. В Земельном кодексе Республики Узбекистан дана следующая классификация видов земель, входящих в категорию земель особо охраняемых территорий: особо охраняемые природные территории, в том числе лечебно-оздоровительных местностей и курортов; природоохранного назначения; рекреационного назначения; историко-культурного назначения; иные особо ценные земли. Из перечисленных территорий земли историко-культурного назначения занимают небольшую площадь, однако они обладают наибольшими показателями ценности (духовно-этические, культурные, эмоциональные, патриотические и т.п.).



*Рис. 1. Состав землеустроительных работ на землях объектов культурного наследия*

Использование и охрана земель историко-культурного назначения, концентрирующих в своих границах значительный природный, культурный и исторический потенциал испытывает значительные трудности. В последние годы наблюдается снижение их площадей и уничтожение ряда памятников культуры.

Вопросам использования земель, находящимся под объектами культурного наследия, практически не уделяется внимание. В настоящее время нет государственной концепции использования таких земель в рыночных условиях хозяйствования, четко проявляется несовершенство экономических и правовых механизмов их защиты, отсутствует методика формирования и организации территории объектов культурного наследия.

Выделение категории «Особо охраняемые территории и объекты» и в том числе земель историко-культурного назначения связано с возрастанием национально-исторического и духовно-культурного самосознания людей, перспективой возрождения экологического и природоохранного мышления граждан, а также охраной земель от возможных негативных последствий внедрения рыночных отношений в сферу землепользования.

В процессе землеустройства территорий объектов культурного наследия осуществляется организация территории объекта и территориальное землеустройство (рис. 1).

В процессе подготовительных работ выявляется историко-культурная значимость, инвестиционная привлекательность объектов культурного наследия, определяется размер их территории, состав угодий и характер использования.

*Литература:*

1. Закон Узб.ССР «Об охране памятников истории и культуры». -Т.: Узбекистон, 1992, с.34

## **ТУРИЗМ КАРТАЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

*Ф.Э.Гулмуродов-катта илмий ходим изланувчи,*

*И.Х.Омонов-ассистент, М.Н.Хайруллаева-талаба (СамДАҚИ).*

Чегарасиз жамият барпо этишга йўналтирилган жаҳон тенденцияси муносабати билан жаҳон туризм индустрияси фаол ривожланмоқда, туризм билан боғлиқ картографик асарларга бўлган қизиқишнинг ошишига ва туризм маълумотнома карталар, атласларнинг ўзига хос оммабоплигига сабаб бўладиган бир қатор таълим дастурлари амалга оширилмоқда.

Мамлакат ва минтақани дунёга танитишда ва уни иқтисодиётини ривожлантиришда туризм ва туризм карталарини роли катта. Ҳозирги вақтда туризм карталари ва схемалари кўпроқ реклама проспектлари ролида чиқмоқда ва ҳудуднинг туризми имиджини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи асосий маҳсулот ҳисобланади. Бу имидж туризм маҳсулотини кенгайтириш, реклама қилиш ва илгари суриш мақсадида сайёҳларга руҳий таъсир кўрсатади. “Худуд образи” тушунчаси-ажойиб, ўзига хос, субъектив бўлиб, анъанавий географик тушунча доирасидан ташқарига чиқади, унда маданий тимсол асоснинг роли катта. “Образ” худуднинг табиий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятлар синтезидир. “Образ”-бу география ва санъат манфаатларининг кесисиш нуктасидир. Бу билан мамлакатнинг туризм имиджини шакллантиришдаги картографик асарларнинг нақадар қимматлилиги тушунилади, улар символлар ва шартли белгилар тизими ёрдамида тегишли кўриш образини яратади. Шунинг учун туризмни картографик таъминлаш ҳақидаги масала долзарб бўлиб қолади. Ҳалқаро Туризм Ташкилотининг тавсиясига биноан туризм маҳсулотларини кўрсатиш бўйича тадбирлар мамлакатнинг сифатли имиджини яратишга қаратилган бўлиши керак. Миллий туризм маҳсулотини кўрсатишда мамлакатнинг туризм имиджини яратиш учун туризмнинг картографик таъминотига катта эътибор берилмоқда. Туризм картаси ҳақиқийликни, жозибани кўрсатади. Шу сабабли у санъат, адабиёт ва оммавий ахборот воситалари билан бирга сайёҳда мамлакатнинг маҳаллийлигини шакллантиришга ёрдам беради. Туризм минтақасига унинг шахсий имиджини яратишга жалб қилинган реклама-картографик материалларда шартли белги ва символлар қўлланилади. Бу табиат манзаралари, тарих ва бугунги кун элементлари, маҳаллий халқ анъаналари, аjoyиб қадамжоларнинг кўплигидир. Туризм карталари ва атласлари- картографик ишлаб чиқаришнинг, истемолчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган энг оммавий маҳсулот туридир. Улар бир-биридан турига, маҳсулотлар кўринишига, масштабига, худудий қамровига, ҳажмига кўра фарқ қилган ҳолда турли мамлакат ва минтақалар ишлаб чиқарувчилари томонидан турли хилда нашр этилади. Турли ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этиладиган турли мамлакат ва минтақаларнинг ҳозирги карталари ва атласларидаги туристлар учун берилган информация етарлича бир хилдир. Диққат марказида одатда, уларни алоҳида тизимлаштирилмасдан ёки тасвирлашда қатъий ёндошувларсиз намоиш этувчи: коммуникация (аэропортлар, йўллар, транспорт инфраструктураси); туристик сервис (отеллар, мотеллар, ресторанлар, почта, банк ва б.); халқаро ташкилотлар офислари; маданий-маърифий мақсаддаги объектларнинг диққатга

сазовор жойлари (хайкаллар, музейлар, театрлар, парклар, кўрғазмалар ва б.) объектлар гуруҳи туради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда туризм картографик махсулотининг бир нечта турларини кўрсатиш мумкин. Бу илмий ишлардаги, дарсликлар, монография, буклетлардаги карталар; туризм марказлари, шаҳарлар планлари; турли туризм рекреация сужетларни акс эттирувчи Ўзбекистон Республикасининг Миллий атласи лойиҳасидаги карталар, туризм карталари; музейда, дам олиш зоналарида, миллий парк, кўриқхоналардаги стентлардаги карта-схемалар. Ўзбекистоннинг картографик асарларига рекраспиктив нигоҳ ва мамлакатнинг туризми олдимизда “суратли тарихни” очади. XX асрнинг 70-80 йилларида Собиқ Иттифоқ ГУГК картографик фабрикасининг сайёҳлар учун асосий махсулоти обзор ва маршрутли туризм схемалари эди. Уша йилларда Ўзбекистоннинг майда масштабли туризм обзор схемалари яратилди. Бу схемаларда сиёсий-маъмурий бўлиниш ёки физик-географик асосда Ўзбекистоннинг энг йирик шаҳарларининг стандарт шартли белгилар кўринишида сайёҳлик кадамжолар кўрсатилган, аҳоли пунктлари ўртасидаги масофалар берилган.

70-80 йилларда Ўзбекистон вилоятларини туризм карталари кўп эмас эди. Масалан, 1976 йил чоп этилган Ўрта Осиё Ўзбекистон ССР номли картада Самарқанд шаҳри марказий қисми, Бухоро шаҳри марказий қисми, Тошкент шаҳри марказий қисми, Қўқон шаҳри марказий қисми, Фарғона шаҳар марказий қисми берилган. Бу туризм схемалари кам маълумотли эди, хаддан зиёд схемалилик, туризм объектларининг камлиги унга хосдир.

1980-90 йилларда Ўзбекистоннинг баъзи шаҳарлари учун туризм схемалари тузилди. Фарғона шаҳри, Қарши шаҳри, Қўқон шаҳри, Наманган шаҳри, Нукус шаҳри, Бухоро шаҳри (немис тилида), Урганч шаҳри, Жиззах шаҳри, Хива шаҳри, Тошкент шаҳри (инглиз тилида) ва бошқалар. Бу йиғма карта-буклетлар анъанавий безакка эга ва бутун шаҳар планини, шаҳарнинг марказининг йириклаштирилган планини, барча туризм объектлар ва кадамжолар бўйича тарихий маълумотнома ва баъзи маълумотларни ўз ичига олади. 1983-85 йилларда республика ҳукуматининг махсус қарори билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг География бўлими ходимлари иштирокида 2 жилдан иборат комплекс атлас яратилган, бўлиб унда 1:2500000 масштабли туризм картаси берилган. Картада туризм маршрутлари, архитектура ёдгорликлари, археологик ёдгорликлар, музейлар, табиатнинг қизиқарли объектлари, миллий ҳунармандчилик марказлари, кўриқхоналар, заказниклар ва туризм тўғрисида матн берилган.

2002-2007 йилларда Ўзгеодезкадастр қўмитаси томонидан 1:500000 масштабли Самарқанд вилояти туризм картаси инглиз тилида, 1:2000000 масштабли Ўзбекистон туризм картаси инглиз тилида (картада Бухоро шаҳри, Самарқанд шаҳри, Хива шаҳридаги ичан-қала қаласи схемаси берилган), 1:550000 масштабли Бухоро вилояти туризм картаси (картада Бухоро шаҳри схемаси берилган) француз тилида яратилган. Бу карталар Сайёҳлик кадамжолари ҳақидаги, Туризм индустриясини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида кенг маълумотлар беради. Замонавий компьютер технологиялари асосида бажарилган бу карта-схемалар жиҳозланиши, дизайни ва реклама нуктаи назардан муваффақиятли картографик асарлардир.

Ўзбекистон ҳудудига тегишли туризм карталарининг қисқача таҳлили шуни кўрсатдики, охириги ўн йилликда мамлакатда туризм карталарининг кўпайиши кузатилмоқда, лекин, уларнинг мазмуни аниқлиликни, тўлдиришларни талаб қилади ва туризм карталарининг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантириш зарурлигини тасдиқлайди.

#### *Адабиётлар рўйхати*

1. Каримов И.А. *Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари.*-Тошкент., “Ўзбекистон”, 2009.
2. *Ўзбекистон Миллий атласини яратишининг илмий-услубий асослари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.*-Тошкент., Картография ИИЧ ДК, 2009.
3. Шлаффке М. *Экономические основания конструирования рекламой вымышленных объемных изображений при создании имиджа туристского региона. // Теория и практика международного туризма. Сборник статей. Под ред А.Ю. Александровой.* – М., КНОРУС, 2003, с 162-168)

### **РАҚАМЛИ КАРТОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ**

*А.С.Суюнов-т.ф.д., профессор, Л.Т.Ибрагимов-ассистент, М.Х.Бобкалонов-ассистент  
(Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти).*

**Abstract:** *The success in the automation of the digital cartography depends on progress in the field of images and artificial intellect. The automatization in the digital cartography touched processes that require large computational resources and time. In the past, requiring a lot of rough and time-*

*consuming work, replaced by automated facilities. This is associated with the development of two groups of automation in digital cartography, hardware and software.*

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок, барча соҳаларда илм – фан ютуқларидан кенг фойдаланишга, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда картография соҳасида ҳам замонавий технологияларни қўллаш, иш жараёнарини автоматлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. “Ўзгергеодезкадастр” Давлат қўмитаси томонидан давлат кадастрлари ягона тизимини юритишда картографик материаллар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу турдаги карта ва планлар рақамли карта ёки геоахборот тизимининг маълумотлар базасига асосланиб яратилади.

Кадастр маълумотлар базасини яратиш ўта долзарб ҳисобланиб, бу иш ГИС-технологияларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда. Дастлаб кадастр тадқиқот объекти ҳақида маълумот тўпланади, таҳлил қилинади ва компютерга киритилади.

Рақамли картографик маълумотларни қайта ишлаш юқори тоифали, ГИС дастурий воситаларини яхши биладиган мутахассислар томонидан бажариладиган рақамли карталар тузиш бўйича камерал ишларнинг мустақил муҳим босқичидир. Айрим ҳолларда бу босқични муҳимлигини тўғри баҳоламаслик ишнинг тўлиқлигига ҳалақит беради.

График файлларда график объектлар билан объектлар жадвали ва айрим ҳолларда маълумотлар базаси атрибутлар жадвалининг алоқадорлиги ёзилади.

Уларни қайта ишлашдан мақсад якуний маҳсулот сифатида MGE рақамли карталарини тузиш, уларни нашрга тайёрлаш ва карта ҳамда ортофотопланларни қаттиқ қоғозга нашр қилиш. MGE рақамли карталари муҳим талабларга жавоб бериши керак.

MGE рақамли карталарига қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат: Барча график файллар учун ягона координаталар системаси ўрнатилган бўлиши керак.

Барча график объектлар маълумотлари келтирилган ва “тикилган” бўлиши керак. Бу шуни билдирадики, турли чиқувчи файллардаги ҳар хил график объектлар билан кўрсатилган объектлар контури мос келиши керак. Агар уларни қисмлари бир бирига мос келса, улар бирлаштирилади.

Объектлар жадвалида картада тасвирланиши керак бўлган барча объектлар келтирилиши зарур. Атрибутлар жадвалида ўрнатилган форматларга мос ҳолда карталаштирилаётган объектлар характеристикаси, ўлчов бирликлари ва рухсат этилган белгилар тўлиқ ва аниқ қилиб ёзилади.

Барча график объектлар МБ объектлар жадвалига ссылка қилиниши керак, бунда бир нечта карталаштирилаётган объектлар чегараси ҳисобланувчи ҳар бир чизиқли объект ссылка рақамига мос келиши керак. Агар объект характеристикага (тавсифга) эга бўлса, атрибутлар жадвалига ҳам ссылка бўлиши зарур.

Объектлар жадвали атрибутлар жадвали билан алоқада бўлиши керак.

График файллардаги векторли маълумотлар типологик жиҳатдан тўғри бўлиши керак, айнан: Уч ўлчамли график файлларни икки ўлчамли конвертлаш, график файллар стереоскопик сьемка натижасида олинган бўлса амалга оширилади. Шундан сўнг график объектларни тўплаш ва “тикиш” ишлари бажарилади.

Съёмкани тўлиқлиги ва аниқлигини назорат қилиш ўз ичига кўплаб операцияларни олади, хусусан, график элементлар типларини текшириш, график атрибутларни график объектларга мос келишини текшириш, график ва семантик маълумотларни тўлиқлиги ва аниқлигини, ҳамда ссылкалар тўлиқлигини текшириш ва бошқалар.


Векторли маълумотларни типологик файлларини яратиш қатор автоматик ва қўлда бажариладиган операциялардан иборат. Уларга векторли маълумотларни қайта ишлаш, улар ёрдамида векторли маълумотлар файлини яратиш ва юқорида тилга олинган талаблар киради.

Картографик объектларни тузиш – қайта ишлашнинг асосий жараёни саналади. У график файлни шакллантиришда зарур бўладиган барча объектлар жадвалига ссылка қилинган график объектлар, шунингдек объектлар жадвалига ссылка қилинган майдонли объектлар центроидларини тузишда қўлланилади. Векторлаш ёки стереосъемка натижасида олинган график объектлар объектлар жадвалининг фақат биттасига ссылка қилинади, аммо рақамли карталардаги маълумотларни типологик моделнинг чизиқли график объектлари барча объектларга ссылка қилиниши керак. Майдонли объектлар векторлаш вақтида умуман ёзилмайди, лекин сьемка қилиш ёки векторлаш вақтида бевосита фақат чизиқли объектлар келтирилади.

Тавсиф хусусиятларини киритиш автоматик тарзда ва қўлда бажарилади. Мос келувчи атрибутлар жадвалига барча тавсифларнинг хусусиятлари киритилган бўлиши керак. Атрибутлар жадвалига тавсифлар хусусиятларини юклаш учун қуйидаги дастурий имкониятлардан фойдаланиш мумкин:

Рақамли карталардаги маълумотларни тўлиқлигини назорат қилиш технологик операцияларнинг сўнггиси саналади. Унда рақамли карта барча талабларга жавоб бера олиши текширилади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган кетма-кет операциялар натижасида рақамли карта тузилади. Шундан сўнг рақамли карта конвертланиши ва фойдаланувчиларга етказилиши учун бошқа форматга (масалан, Mif|Mid) ўтказилиши мумкин ёки карталарни рақамли моделларини тайёрлашда қўлланилиши ва каттиқ қоғозларда чоп этилиши мумкин.



1-Расм. Гис дастурлари асосида рақамли картографик маълумотларни қайта ишлаш жараёни

Картани нашрга тайёрлашда қўшимча киритилувчи маълумотлар ва материаллар бўлиб;

- тайёргарлик ишлари босқичида тузилган рамка четини жиҳозлаш график файллари;

- шартли белгилар, чизиклар стили, ранглар жадвалидан иборат файллар.

Рақамли карталарни нашр қилишга тайёрлашда қуйидаги операцияларни бажариш керак:

- нашр қилиш учун объектларни танлаб олиш;

- майдонли объектларни комплекслаштириш, унинг натижасида майдонли объектлар центроидлар билан эмас, балки берк чегарали полигонларда кўрсатилади;

- жадвални нашрга тайёрлаш;

- атрибутлар жадвалидан тавсифлар мазмуни бўйича янги объектларни тузиш ва нашрга тайёрлаш;

- майдонли объектларни шартли белигилар ёки ранглар билан тўлдириш;

- нашр жадвалига қўшимча объектлар киритиш ва уларни охириги марта тахрир қилиш.

Тайёргарлик натижасида каттиқ нусхани нашр қилиш учун қўлланиладиган янги график файл яратилади.

Албатта, юқорида келтирилган технология бошқача вариантларга ҳам эга бўлиши мумкин. Муҳими, мантқан тўғри ёндашишдир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, рақамли картографик маълумотларни қайта ишлаш, мултимедиа орқали алоқа матн, график, анимация ва видео орқали амалга оширилиши мумкин.

Рақамли карталар компьютерда махсус дастурларда тузилганлиги туфайли карталардаги ахборотларни қайта ишлаш, тақдимот тезлигини таъминлайди. Картографик тадқиқот усулларида фойдаланиб, электрон рақамли карта ва планларни тузиш яхши самара беради. Халқ хўжалигида электрон рақамли карталардан фойдаланиш кенг имкониятларни яратиб бериши билан бирга бир қатор техник ва молиявий масалаларини ҳал қилиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Жумладан: вилоят ва туманларни замонавий компьютер, сканер ва плотерлар билан таъминлаш ҳамда ушбу техникалар билан ишлайдиган соҳанинг малакали компьютер мутахассисларини ўқитишни талаб этмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Ю.Сафаров, И.Мусаев, Х.Абдурахимов. *Геоахборот тизими ва технологиялари*. Тошкент ТИМИ, 2009 й, 160.-б
2. Э.Ю.Сафаров. *Географик ахборот тизимлари: ўқув услубий қўлланма*.-Тошкент “Университет”, 2010 й, 44.-б
3. *MapInfo Professional 7.5: Руководство пользователя*.-М,ЭСТИ-МАП, 2000 й.
4. Т.Мирзалиев, И.Мусаев *Картография*. Тошкент, Зиёнон. 2007 й, 160 б.

## РАҚАМЛИ ФОТОАППАРАТЛАР КАМЕРАЛАРИНИ АЙРИМ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ғ.А. Артиков т.ф.н. доцент., И.М. Пирназаров катта ўқитувчи.,  
М.Х. Бахринова-магистрант (СамДАҚИ).*

Ҳозирги вақтда аэросуратларни фотограмметрик ишлаш рақамли фотограмметрик станцияларда амалга оширилмоқда. Аэросуратларни рақамли ишлаш учун плёнкаларни сканердан ўтказиш талаб қилинади, (агар рақамли фотограмметрик камерадан олинган маълумотлар ишлатилса). Ишлаб чиқаришда кўпроқ рақамли фотограмметрик камера билан олинган аэросуратлар ишлатилади. Эталон сифатида замонавий рақамли камера Leica RC-30 камераси кўриб чиқилди. Камера Leica RC-30 230-230 мм размерли суратга олиш ва фокус объективи иши 150-300 мм эга.

Аэросуратни сканер қилишда 15 мкмли қилинади ва кўриниш ўлчами 15000x15000 пиксел ёки 225 мегапикселни ташкил қилади.

Матрица ишлаб чиқариш технологияси ҳозирги вақтда ушбу ўлчамдаги рақамли ёруғлик сезувчи матрица ишлаб чиқаришга эга эмас. Шунинг учун рақамли аэросъёмка камерасини имкони борича катта ўлчамли матрицали камера ишлаб чиқариш талаб қилинади ёки кичик форматдаги ҳар хил матрицадан олинган кадрларни бирлаштириш усули орқали эришиш мумкин.

Катта форматли камералар дунё бозорида асосан икки хил йўналишда олиб борилади, улардан Ultra Cam D, Ultra Cam X, Microsoft-Vexel фирмаси ва ZI фирмаси ДМС. Иккала фирма ҳам катта ўлчамдаги рақамли аэросуратлар ишлаб чиқаради.



*Рақамли аэрофотоаппарат UltraCamX аэросъёмка системасини бортовой комплекти.*



*Рақамли аэрофотоаппарат LIECA RC30 аэросъёмка системасини бортовой комплекти.*

Ultra Cam камераларидаги тасвирлар ҳар хил ўлчамдаги объективлар орқали аэрофотосуратларга йиғилади ва шу орқали тасвирлардаги проекция маркази бир-бирига мослигига эришилади.

Бизнинг ҳулосамиз Ultra Cam камералари фотограмметрик нуқтаи назардан аниқроқ ва ҳаққоний ҳисобланади. Бажарилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики ушбу камерадан олинган суратларда аниқлик ҳамда бир хиллик кўринади ва у 2 мкм ни ташкил қилади.

GSD (ground sample distance) пикселни жойдаги ҳажми. Рақамли суратлар билан ишлашда, уларнинг бирга геометрик параметрлари ўлчанади. Шу билан бирга ўлчамида фокус оралиғи пиксел ўлчанади. 1- жадвалда камераларнинг асосий характеристикаси берилган.

1-жадвал

Камера	Камеранинг таснифи		
	Кадрлар ўлчами (пиксел)	Пиксел ўлчами (мкм)	Фокус оралиғи F мкм/пиксел
DMC	1300x8000	12	120/10000
UltraCamX	14400x9400	7,2	100/13900
RC-30	15000x15000	-	150

Биз юқорида келтирган GSD қиймати кейинги аниқ ҳисоблашлар орқали олинади. Аэросуратнинг олиш баландлигига (H) кўра кўйидаги формула билан аниқланади:

$$GSD = H / F \quad (1)$$

бу ерда - H суратга олиш баландлиги, сантиметрда, F- камера фокус оралиғи пикселда. Таққослаш учун ҳар хил камераларнинг аэросуратлар олиш баландлигига нисбатан GSD қийматини ва кадрлар ўлчамлари 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Камера	Ўчиш съёмкасида кадрлар ва ечилиш қийматлар					
	500		1000		2000	
	GSD см	L <sub>x</sub> + L <sub>y, м</sub>	GSD см	L <sub>x</sub> + L <sub>y, м</sub>	GSD см	L <sub>x</sub> + L <sub>y, м</sub>
DMC	5,0	675x400	10,0	1235x800	20,0	2700x1600
UltracamX	3,6	518x338	7,2	1036x676	14,4	2072x1352
RC-30	5,0	750x750	10,0	1500x1500	20,0	3000x3000

1. Райзман Ю. *Аэросъёмочный фотограмметрический комплекс VisionMap A3. VIII Международная научно-технической конференция «От снимка к карте: цифровые фотограмметрические технологии», 2008, Пореч, Хорватия.*
2. А.Ю. Сечин *Некоторые аспекты использования современных цифровых фотограмметрических камер ЗАО "Ракурс" Москва 2012 год.*

## **СОЗДАНИЯ ГЕОИНФОРМАЦИОННАЯ СИСТЕМА С ГИС ТЕХНОЛОГИЯМИ**

*Акбаев Умид Хасанович*

*Кафедра Компьютерные системы Самаркандского филиала ТУИТ*

Настоящее время одной из важнейших проблем в Центрально-Азиатском регионе является проблема использования и охраны водных ресурсов. Издревле вода в этих местах являлась ценнейшим природным богатством, охранялась и воспевалась народами. «Вода в условиях аридной зоны – бесценный дар природы. Вся жизнь связана с водой.

Большая часть территории расположена в аридной зоне, в условиях дефицита поверхностных водных источников. Одним из путей ее решения является более широкое использование подземных вод. В процессе их изучения, поиска, оценки, а также решения ряда других прикладных задач используются методы ГИС-Технологий моделирования. Важнейшим этапом моделирования является создание ГИС-модели и ее применения, обоснование адекватности модели природным условиям. Для этого на ГИС-модели решается серия гидрогеологических задач. Это достаточно трудоемкая процедура, требующая больших затрат времени. В связи с этим исследования, и на основе использования и применения, современных моделей-ГИС-технологий для изучения геолого-гидрогеологических условий и идентификация водоносных горизонтов на территории одного из аграрных регионов области Самарканде - равнины Зарафшанского гидрогеологического района являются весьма актуальными[1,3].

Для решения поставленных задач в работе используются методы картографического анализа и цифровые методы картографирования оцифровки важнейших тематических карт рельеф, уровенные поверхности подземных вод и др., методы обработки, анализа и визуализации информации, Геостатистические методы интерполяции методы геоинформационного моделирования. Для построения и анализа, геолого-гидрогеологических моделей были использованы программные комплексы: ArcGis.9.3 Desktop, MapInfo 9, методы проектирования и разработки база данных.

Для создания и функционирования ГИС необходимы компьютерная техника, соответствующее программное обеспечение, исходные данные, включая атрибутивные, и, конечно же, люди, умеющие не только пользоваться компьютером и программным обеспечением, а осмысленно с их помощью оперировать информацией, в том числе имеющей и пространственную составляющую[7,8].

В качестве пространственной основы ГИС обычно служат топографические карты и планы, представленные в цифровой форме. Основой для цифровой карты крупного города чаще всего выбираются планы масштаба 1:2000, как правило, создаваемые по данным аэрофотосъемки.

Топографо-картографическая основа – карты и планы местности, в том числе и цифровые, устаревают с каждым построенным новым домом, новым киоском, дорогой или вновь разбитым сквером. Но именно эти изменения важны и значимы на уровне муниципалитета и конкретного жителя, владельца или специалиста по обслуживанию территории. Следует признать, что традиционная схема создания и обновления карт с нормированными сроками, этапами, последовательностью операций и характеристиками материалов в этом случае не работает. Необходимо, не дожидаясь повсеместной "картографизации", как основы для создания и продвижения ГИС, более широко использовать материалы космической съёмки в сочетании с любыми доступными данными. Это наиболее эффективный путь проведения геоинформатизации[8,9].

Географические информационные системы небольших муниципальных образований, призванные обеспечивать службы и администрацию комплексной и актуальной территориальной информацией для планирования социально-экономического развития и принятия управленческих решений, требуют своего развития и более пристального внимания. Именно такие ГИС могут послужить основой повсеместного внедрения современных геоинформационных технологий, основой создания крупных территориальных ГИС и наряду с повсеместным внедрением и распространением Интернет и компьютерных технологий будут способствовать повышению уровня геоинформационного образования населения страны[10,11].

Требования к инструментальным средствам построения ГИС

Построение ГИС сводится к нескольким этапам:

- сканирование карт;
- графическое редактирование (фильтрация исходного изображения, макрокоррекция, коррекция нелинейных искажений изображения);
- адресное (координатное) кодирование объектов;
- диалоговое отображение картографической базы данных;
- связь с существующими, создание новых и поддержка иерархических и реляционных баз данных.

Карты позволяют видеть и интерпретировать пространственные отношения между объектами. Можно использовать открытую карту, чтобы найти здание, парки, расположенные рядом со техногенными объектами или выяснить названия улиц, рек, районов и т.п.

Можно создавать новую информацию или находить скрытые связи, добавлять к карте новые слои. Например, если добавить к карте слой демографических данных, то можно использовать полученную карту для определения района для каждой месторождений, или для поиска потенциальных клиентов магазина. Если добавить слой геологических данных и рельефа, можно определить участки, где есть угроза оползней.

С начала в технологии создания электронных карт с помощью приложение ArcCatalog используется для структурирования, поиска и использования данных ГИС, а также при каталогизации наборов данных на основе стандартных метаданных.

Приложение ArcCatalog помогает структурировать и управлять всей нашей ГИС-информацией, такой как карты, схемы и диаграмм, наборы данных, метаданные и сервисы. Входящие в него инструменты позволяют:

- Просматривать и искать географическую информацию.
- Записывать, просматривать и управлять метаданными.
- Определять, экспортировать и импортировать структуру и дизайн баз геоданных.
- Осуществлять поиск ГИС-данных по локальным сетям и через Web.
- Администрировать ArcGISServer.




Рис. 1. Вид ArcCatalog

Администратор баз данных ГИС использует ArcCatalog при определении и построении баз геоданных. Администратору ГИС - сервера ArcCatalog нужен для администрирования архитектуры ГИС – сервера[9, 10, 11].

В ArcMap есть два способа просмотра карты: в виде географических данных и в виде компоновки. В виде географических данных вы работаете с географическими слоями, определяете символы, проводите анализ и компиляцию наборов данных ГИС. Интерфейс таблицы содержания помогает структурировать ГИС-данные по слоям в фрейме данных, управлять свойствами их отображения. Вид данных - это окно, в котором отображаются все наборы ГИС-данных на заданную область.




Рис. 2. Административно деление Самарканда

В виде компоновки вы работаете со страницами карт, содержащими вид географических данных и другие элементы карты, такие как легенда, масштабная линейка, стрелка Севера и обзорная карта. ArcMap используется для размещения карт со всеми необходимыми элементами на странице для их публикации и вывода на печать [8].

ArcMAP предоставляет простые удобные средства компоновки карт для печати, включения в другие документы или издания в электронном виде. Можно быстро создавать из введенных данных качественные карты. После сохранения карты запоминают все настройки по компоновке, символам, добавлению текста и графики.

Разработаны и созданы геоинформационно системы Зарафшанского гидрогеологического района, которая представляет собой методов и способ использования вычислительной техники, программных средств, хранения, поиска и обработки пространственно-временной информации (картографической).




Рис. 3. Геоинформационный система Зарафшанской гидрогеологическое района

Для создания информационной системы необходимо придерживаться следующими принципами:

- принцип стандартизации и унификации информации, ее структуры и способа хранения;
- принцип единства – целостность системы должна обеспечиваться связями между подсистемами и элементами;
- возможность добавления новых подпрограмм;

- принцип обратной связи (замкнутый процесс);
- принцип развития – развивается система (наращивание и совершенствование);
- принцип совместимости (методической, функциональной, информационной, программно-технической)[8,9]

Как это со всей очевидностью вытекает из результатов настоящего исследования, метод ГИС-технологий позволил нам в достаточно быстро и минимальными затратами получить информацию, детальность которой превосходит традиционную, полученную методом ручной обработки. Метод ГИС-технологий обеспечивает возможность получать графические изображения и буквы цифровые таблицы. Все это даёт основание рекомендовать разработку ГИС-технологий в гидрогеологических исследованиях для использования во всех последующих работах на территории Самарканда.

#### *Литература*

1. *Проблемы Зарафшанского гидрографического бассейна. М.Ф. Абдураимов. ННО «Защита бассейна реки Зарафшан». Ташкент, 2002.*
2. *Саидкулов Т.С. Очерки из историографии истории народов Средней Азии. Изд. «Укитувчи», Ташкент, 1994 г. (на узб.яз.).*
3. *Тезисы докладов. Республиканская Научно-практическая конференция на тему: «Проблемы создания АВП и перехода к гидро-графическому принципу управления водными ресурсами при реформировании сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан. Ташкент, 4-5 декабря 2003 г..*

### **ЗАМОНАВИЙ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Хакимова Камола Рахимжоновна (ФарПШ),  
Хусанова Маишура Исломовна, Ҳайдаров Элмурод Ашурович(СамДАҚИ).*

Ҳар бир соҳани автоматлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Соҳага бундай ёндашув аввало, инсон меҳнатини энгиллаштиради, бошқарувни тез ва барқарор бўлишини таъминлайди, давлат ҳамда инсонлар манфаатини ҳимоялайди, ривожланишни изчил боришида имкониятлар яратади. Бунинг моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда ер кадастри соҳасида ҳам иш жараёнини автоматлашган тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ер кадастрининг автоматлашган тизимини яратиш Республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, бошқаришда, асраб-авайлаш, давлат ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишда, ҳамда соҳада бошқарувни марказлашган тарзда изчил ва барқарор бўлишини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Ер кадастри автоматлашган тизими (ЕрКАТ) - ер ресурслари, ер кадастрига доир кўп мақсадли ахборотларнинг мажмуали автоматлашган тизимидир.

Бу соҳада автоматлашган тизимга ўтмай туриб, геоахборот тизимлари (ГАТ)ни яратиш бўлмайди.

ЕрКАТни ташкил этиш тамойиллари:

- Республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш;
- марказлашган бошқарув;
- ер кадастри ахборотлари тақдими ва қайта ишлашнинг ягоналиги;
- жойларда амалиётда ягона координаталар ва топоасосларни қўллаш;
- ер кадастри негизида бошқа кадастр тизимларини бирлаштириш ва давлаткадастрларининг ягона тизимига қўшилиш;
- замонавий геоахборот тизимларининг технологияларидан фойдаланишдан иборат.

Ер ресурсларини бошқариш ва ер кадастрини амалга оширишнинг анъанавий кўринишидан автоматлашган кўринишга ўтишида ўз олдида бир неча асосий талабларни кўяди:

- мавжуд тизимда ҳудудий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ўзаро бўлинган ва тарқоқ ҳолда эди, бу ўз навбатида бошқарув жараёнида талайгина қийинчиликлар туғдиради. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, бошқарувда тизимли ёндашувни зарурийлик талаблари;
- талайгина кадастр ахборот (чизма ва атрибут маълумотлар)ни муфассал равишда қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлаш талаби;
- иш жараёнини ташкил этишда компьютер технологияларига қўйиладиган талаблар ва хоказо.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш ишлари билан ўзининг таркибий бўлинмаларига эга бўлган мустақил идоралар шугулланади. Булар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш сусти бўлиб, давлат ер кадастри автоматлашган тизимини яратишда ва уни замонавийлаштиришда қийинчиликлар туғдиради. Бундай ҳолат кадастр ахборотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ишларини ташкил этишда тизимли ёндашув зарурийлигини

кўрсатади. Бунга эса соҳани автоматлаштириш орқали эришиш мумкин. Шундай қилиб, ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимини амалиётга жалб этиш объектларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий ва ижтимоий - иқтисодий маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тақдим этиш жараёнларини тезлаштириб истеъмолчиларни тезкор - ишончли ахборотлар билан таъминлайди ва турли харажатларни камайтиради. Геоахборот тизими деганда, электрон ҳисоблаш техникалари асосида яратиладиган атроф - муҳит тўғрисидаги мавжуд кўп қиррали маълумотлар мажмуаси тушунилади.

Геоахборот тизими инсон хўжалик фаолиятининг турли қатламларида мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш учун қулай кўринишда тақдим этишга мўлжалланган. Геоахборот тизимини ўрганиш бундан 30 йил аввал вужудга келган бўлсада, лекин унинг асосий ривожланиш босқичи сўнгги 7-8 йилга тўғри келди. Бунга сабаб географик маълумотлар негизидаги барча ишлар жараёнини автоматлашган тарзда лойиҳалашнинг технологик ва ғоявий жиҳатдан ташкил этилганлигидир.

Геоахборот тизимини замонавий стандартлаш ва махсус соҳага йўналтириш ишлари картографиянинг анъанавий ташкил этиш талабларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига амалга оширилади.

“Геоахборот” география фанлари тизимидан аста - секин мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани ҳолда, географиянинг объектини асос сифатида ўрганади, табиат ва жамиятдаги геотизимларга асосланади. Лекин бунда у ўзининг восита ва услубларидан фойдаланади. Бу компьютерда моделлаштириш ва геоахборот -рақамли карталар яратишдан иборат.

Автоматлаштириш, тизимлаштириш, маълум бир мақсадга йўналтирилганлик, тезкорлик ва кўп вариантлик кабилар геоахборот карталаштиришнинг асосий хусусиятларидир.

Геоахборот тизимини ташкил этиш нафақат география фанлари тўғрисидаги фикрлар ривожига, балки дастурлашнинг (умум аҳамиятли ахборот тизимларини тузиш) ривожига, ҳамда ахборот тизимларини тузишга бевосита боғлиқдир.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1.Замонавий дарс. Илмий-методик тўплам. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ. - Т.: 2007.

2.MapInfoProfessional 7.5: Руководство пользователя. – М., ЭСТИ-МАП, 2000.

## **ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ДАВЛАТ КАДАСТРИНИ ЮРИТИШДА ЭЛЕКТРОН ХАРИТАЛАРДА МАЪЛУМОТЛАР БАЪЗАСИНИ ЯРАТИШ**

*О.Равшанова, У.Рахимов, М.И.Уразбаев (СамДАҚИ).*

Мустақил Ўзбекистонимиз ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб, давлатимиз ривожига биз ёшлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз шартдир. Президентимиз И.Каримов биз ёшларга илм-фан тарақиёти йўлида кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Биз ёшлар эса бу имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда, янгиликка интилиб ёшамоқдамиз. Шу аснода айтиш керакки, “Геодезия, картография ва кадастр” соҳасида ҳам жадал ривожланиш амалга оширилмоқда, яъни компьютер асрига тўлиқ ўтиш кўзатишмоқда.

Электрон хариталарни яратиш учун янги замонавий асбоблар ва дастурлар зарур бўлади. Шу жумладан ҳозирда ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ArcGIS 9.3 дастури янги рақамли хариталарни яратишда жуда қўлайликлар яратмоқда. Ушбу дастур ёрдамида яратилган хариталар билан ишлаш фойдаланувчининг имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун ушбу дастур ёрдамида тарихий маданий объектлар харитасини яратиш ва такомиллаштириш, маълумотлар баъзасини тўлдириш давр талаби ҳисобланади.

Тарихий маданий объектлар маълумотлари базасига қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт бўлиб, тарихий маданий объектлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилган.

- объект рақами;
- объект жойлашган чегара майдон;
- объект манзили;
- объектнинг идоравий мансублиги;
- объектнинг қурилган йили;
- объектнинг муҳофаза учун асос бўлган ҳужжат номи ва рақами;
- объект тури ва тоифаси;
- объектнинг кадастр рақами;
- объектнинг идентификацион рақами;
- объектнинг баландлиги;
- объектнинг умумий эгаллаган майдони;
- объектнинг биноси эгаллаган майдон;
- объектнинг конструктив элементлари;

- объектнинг архитектура безаклари;
- объектнинг техник ҳолати;
- объектнинг охирги таъмирланган йили;
- объектнинг тарихий маъданий қиймати;
- объектнинг суратлари;
- объектнинг қўшимча маълумотлари;
- объектнинг ДКЯТга рўйхатга олинган рақами;

ArcGIS 9.3 дастури тарихий маданий объектларни географик маълумотлари ва атрибут маълумотлари билан биргаликда ишлаш имкониятини беради.

ArcGIS 9.3 дастурида маълумотлар базасини йиғиш ва сақлаш жуда қўлай. ArcGIS 9.3 дастурида электрон хариталарни яратиш учун куйидагиларни бажаришимиз керак.


- ArcGIS 9.3 дастурининг ArcView қисми компьютер базасига ўрнатилади;
- жойни ҳаводан туриб рақамли фотокамера ёрдамида суратга туширилади;
- трансформацияланган суратлардан жойнинг фотоплани ёки фотосхемаси тузилади;
- фотоплан олиб жойга бориб, дешифрофка қилинади;
- суратларни ArcGIS дастурига масштаб бўйича туширамыз;
- дешифрофка қилинган фотоплан ёки фотосхемага қараб ArcGIS дастурига электрон харита чизилади, шу билан биргаликда маълумотлар ҳам компьютерга киритилиб борилади.

ArcGIS дастури асосий икки қисмдан иборат.

1.ArcMap; 2.Arc Catalog.

1 бўлим ArcMap географик объектларни атрибут маълумотлар билан ишлашга қўлланилади.

2 бўлим Arc Catalog бу маълумотларни бошқариш (1.1 расм).



1.1 расм.

Arc Catalog ойнаси очилиб, **Персональная база геоданных** яратиб олинади.

**Персональная база геоданных** ичига ўзимизга керакли шартли белгиларни ва объектларни киритамиз.

Ҳар шартли белгилар давлат стандартига мос равишда ясалади.

Ясалган ҳар бир шартли белгига координаталар тизимидан жойига тўғри келадиган координата тизимини киритамиз. Бизнинг республикамызда асосан Gauss Kruger координаталар тизимидан фойдаланилади. Барча топографик ва обзор топографик хариталар тенг бурчакли кўндаланг цилиндрик проекцияда тузилади. Бу проекцияни немис олими К.Ф.Гаусс (1777-1855) назарий жиҳатдан асослаган бўлса, иккинчи бир немис олими Л.Крюгер (1857-1923) уни ҳисоблаш формулаларини ишлаб чиққан. Шунинг учун ҳам Гаусс Крюгер проекцияси дейилади. Бу проекцияда эллипсоид сиртидаги шакл бурчаклари текисликда айнан ўзига ўхшаш тарзда тасвирланганидан унга тенг бурчакли ёки конформ (ўхшаш) проекция дейилади.

Бу проекция аҳоли хариталарини ва қишлоқ хўжалигига оид хариталарни тузишда кўпроқ қўлланиладиган проекция ҳисобланади.

Гаусс Крюгер тўғрибурчакли кўнадаланг цилиндрик проекцияси координаталарни эллипсоид сиртида нуқталарнинг геодезик координаталари билан шу нуқтага тегишли текисликдаги тўғри бурчакли координаталарини ўзаро боғлаш имконини беради.

Бу проекция қўллашда ер эллипсоиди сирти тасаввурда меридианлар билан  $6^0$  ли  $60$  та зоналарга бўлинади. Зоналарнинг тартиб номери Гринвич меридианидан шарққа қараб ҳисобланади. Ҳар бир зонанинг ўртасидан ўтувчи меридиан зонанинг ўқ меридиани дейилади. Эллипсоиднинг ҳар бир зонаси алоҳида текисликқа конформ (ўхшаш) қилиб ўтказилади.

Зонанинг ўқ меридиани текисликда тўғри чизиқ қилиб тасвирланиб, абцисса ўқи, унга перпендикуляр қилиб ўтказилган ва экватор текислигида ётган чизиқ эса ордината ўқи деб қабул қилинган. Бу ўқларнинг ўзаро кесишган О нуқтаси координата системасини бош нуқтаси деб олинади. Ҳар бир зона ўзининг координата системасига эга. Берилган нуқта координалари бўйича қайси зонада жойлашганлигини билиш учун унинг ордината қиймати олдига зона номери ўзиб қуйилади.

Шимолий ярим шарда жойлашган ҳудудлар учун ҳамма абцессалар мусбат. Ўқ меридиан томондаги ординаталар мусбат, ғарб томонлари манфий бўлади.

Манфий ишорали координаталарни мусбат ишорага келтириш учун улар қийматига 500 км қўшиб ёзилади (яъни, ўқ меридиан 500 км ғарбга шартли сурилади).

Зоналардаги геодезик асоснинг ҳамма нуқталарини координаталарини ягона системада очиш учун, уларнинг ҳеч бўлмаганда биттасини координаталарини билиш керак. Бошланғич нуқта қилиб Пётрбург шаҳридаги Пулково астрономик обсерваториясининг думалоқ залини маркази қабул қилинган. Бу система 1942 йил координаталар системаси деб қабул қилинган.

Баландлик бўйича бошланғич садҳий юза қилиб, Болтиқ денгизининг садҳи, ҳозирги Калининград шаҳридаги Кронштадт фуштогининг ноли қабул қилинган.

Бу тизимни ишга тушириш учун ишчи ойнадан **Новый класс пространственных объектов** ёкилади, унда **Gauss Kruger** координаталар очилади бу тизимдан **Pulkovo 1942** танланади. Pulkova 1942 йилги координата тизими ҳудудларга бўлинади. Биз яшаб турган ҳудудга мос келадиган **Pulkovo 1942 GK Zone 12N** координата тизимидир (1.2 расм).



1.2 расм.

Arc Catalog ойнаси ёпилади.

ArcGIS дастурига электрон хариталарни киритиш.

Arc Map ойнаси очилади;

Arc Map ойнасидан редактор панели очилиб **Начать редактирование** ёкилади; редактор панелдан “задачи” пунктида “создать новый объект” очилади;

редактор панелидан **Целевые слои: тарихий объект чегар** керакли “слой” танланади;


редактор панелидан **Редактор** шу белгилар ёрдамида атрибут маълумотлар базаси яратилади;

атрибут маълумотлар базаси тўлдирилади (1.3 расм).

Свойство	Значение
ОБЪЕКТID	5
SHAPE_Length	494,462
Объект_номи	Бурхониддин Сағарджи макбараси
Объект_манзили	Самарқанд шаҳри Регистон кучаси
Идоравий_мансублиги	Самарқанд вилояти тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдалан...
Даври	XIV аср
Мухофаза_учун_асос_булган_ҳужжат	№52 27.03.1923 й. Туркистон Халқ комиссариати ва Марказий ихрои комитети, №58...
Объект_тури_ва_тоифаси	архитектура ёдгорлиги
Ер_кадастри_раками	141601930100020007001
Идентификацион_раками	<Null>
Иморат_баландлиги	22,90 метр
Умумий_эгаллаган_майдон__га_	11768,75
Бино_эгаллаган_майдон__квм_	200,27
Конструктив_элементлари	ганч аралашмали гишт
Архитектура_безаклари	йук
Техник_холати	кониқарли
Охири_таъмирланган_йили	1990 йил
Тарихий_маданий_қийнат_аҳамияти	бебаҳо
Объектнинг_суратлари	растрли
Қушимча_маълумотлар	Шайх Бурхониддин Сағарджи макбараси адабиётларда 14 асрда қурилган дейилади....
ДҚЯТга_руйхатга_олинган_раками	№ 2624

1.3 расм.

Харитани ArcGIS 9.3 дастурида умумий кўриниши қўйидагича бўлади (1.4 расм).



1.4 расм.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Сафаров Э.Ю. Географик ахборот тизимлари. Тошкент., Университет, 2010 йил.
2. Мирзалиев Т. Картография, Тошкент., Университет, 2006.
3. Рахимов У. “Тарихий-маъданий объектлари ер ва бино иншоотлари кадастр хужжатлари тизимини яратишни таҳлил қилиш” магистрлик диссертацияси. Самарқанд. 2015 йил.

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ДЎСТЛИК ТУМАНИ “ОҚ-ОЛТИН” НОМЛИ СУВДАН Фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) суғориладиган ерларини мониторинг қилиш

Бобобеков И.Н. (СамДАҚИ).

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ер, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади. Етиштириладиган маҳсулотларнинг миқдори ер майдонларининг ўлчамларига ҳамда сифат хусусиятларига боғлиқдир. Ернинг унумдорлиги қанчалик юқори бўлса етиштириладиган маҳсулотнинг миқдори ҳам шунчалик кўп бўлади ва аксинча. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти уларга бириктирилган ер майдонларининг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ушбу боғлиқликни миқдорий жиҳатдан аниқлаш ҳамда хўжалик юритувчи қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолиятига тўғри баҳо бериш учун таҳлил қилишда ер кадастри, аниқроғи ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [1].

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, биз Жиззах вилояти Дўстлик тумани “Оқ-олтин” сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ерларида мониторинг ишларини олиб боришни режалаштирдик.

Дўстлик тумани “Оқ-олтин” СФУ суғориладиган ерларда олиб борилган йўқлама ишлари натижаларига кўра ҳозирда хўжаликда 4032,8 гектар ер борлиги аниқланди. Ушбу ер майдонларининг 3275 гектари суғорилиб ҳайдаладиган ерлар ҳисобланади [3]

Дўстлик тумани “Оқ-олтин” номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ерларини йўқлама қилишда ҳудуднинг 1:10000 масштабдаги харитаси, ер майдонларни ҳисоблаш қайдномаси ва бошқа зарур хужжатлар йиғиндиси асос қилиб олинди [3].

Биз ўз тадқиқотларимизда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ҳудудидаги 808,50 гектар ер майдонида тадқиқотлар олиб бордик. Ушбу ҳудудда асосан ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

Хўжалик тупроқлари ҳам республикамизнинг бошқа тупроқлари сингари гумус моддаси билан кам даражада таъминланган тупроқлар сирасига киради. Яъни хўжалик тупроқларида гумуснинг миқдори 0,6-1,2 фоиздан ошмайди. Хўжалик тупроқларида гумуснинг кам бўлиш сабаби бу тупроқларнинг шўрланганлигидадир. Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ олимлари

[2] ва Ўздаверлойиха институти Жиззах вилояти бўлинмаси маълумотларига кўра Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги суғориладиган ерлар шу жумладан, биз текширишлар олиб борган “Оқ-олтин” СФУ даги суғориладиган ерлар ҳам турли даражада шўрланган ҳисобланади. Тупроқларнинг шўрланиши ўз вақтида тупроқда гумус моддалари ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади.

СФУдаги биз текширишлар олиб борган 808,5 гектар ер майдонидан 525,5 гектарида тупроқнинг устки 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,7-0,8 фоиздан ошмайди. 225,7 гектарда 0,9-1,0 фоиз атрофида ташкил этади. Бор йўғи 57,3 гектарида гумус миқдори 1 фоиздан ошади ва 1,1-1,2 фоизни ташкил этади.

Дўстлик тумани Оқ-олтин СФУ суғориладиган ерларида ҳаракатчан шаклдаги озик элементлар миқдори таҳлил қилиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди (жадвал). СФУ тупроқлари ҳаракатчан фосфор билан асосан паст ва жуда паст миқдорда тарқалганлиги маълум бўлди. Яъни хўжалик ер майдонининг 280,7 гектари ҳаракатчан фосфор билан жуда кам таъминланган. 421,5 гектар майдон эса кам таъминланган майдонларга тўғри келади. Хўжаликда ҳаракатчан фосфор билан юқори ва жуда юқори таъминланган майдонлар учрамади.

Жадвал

Дўстлик тумани Оқ-олтин СФУда суғориладиган ерларнинг ҳаракатчан фосфор билан таъминланиши

№	Таъминланиш даражаси	Ер майдони, га
1	Жуда кам ( 0-15 мг/кг)	280,7
2	Кам (15-30 мг/кг)	421,5
3	Ўртача (30-45 мг/кг)	106,3
4	Юқори (45-60 мг/кг)	-
5	Жуда юқори (60 мг/кг кўп)	-
	Ҳаммаси	808,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик тупроқлари гумус ва озик элементлар билан асосан кам ва жуда кам таъминланган. Бу ҳолат ҳудуднинг турли даражада шўрланганлиги билан изоҳланади.

Шунинг учун ушбу ҳудудларда ерларни органик моддалар билан бойитиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш ва шўрланган ерларда турли мелиоратив тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. “Ер кадастри” фанидан дарслик. Т.: ТИМИ, 2008 й
2. Сирдарё ва Жиззах вилояти тупроқлари. // Тошкент. 2005 й
3. Ўздаверлойиха институти Жиззах вилояти бўлинмасининг 2014-2015 йиллар маълумотлари.

## ЭКОЛОГИК ХАРИТА ИШЛАБ ЧИҚИШ ОРҚАЛИ ҲУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ

*Бобоев Собир Муродуллаевич-проф. СамДАҚИ, Тайлоқов Абдуразоқ Абилович-катта ўқит., Ахмедова Малика Асатуллаевна-катта ўқит. Жиззах политехника институти*

Маълумки, шаҳар ҳудудидаги маҳаллаларда, туман марказларидаги аҳоли пунктларида ўсимлик қоплами ва ўсимликларни суғориш учун табиий ва сунъий суғориш тармоқлари бир хил тақсимланмаган. Ҳосил бўлган қаттиқ ва маиший чиқиндилар белгиланмаган жойларда узоқ вақт тўпланиб қолиш ҳолатлари содир этилмоқда.

Экологик харита ишлаб чиқиш орқали ечилиши лозим бўлган муаммолар бу ҳудуднинг яшил ўсимлик билан қопланиши, оқар сув таъминоати учун сув тармоқларининг таъминланганлиги, уларнинг яшаш шароитини яхшилашдан иборат.

“Экологик харита ишлаб чиқиш орқали ҳудудларда экологик ҳолатни баҳолаш” мавзусида инновацион технологик лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишдан мақсад “Муҳофаза этиладиган ҳудудлар”да вилоят, шаҳар ва туман марказларидаги аҳоли пунктларинида экологик муҳитни соғломлаштириш, биологик хилма-хилликни сақлаш, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот турларини сақлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилашдир. Экологик харита тузиш орқали табиий популяция ва экосистема яхшиланади.

Жиззах вилояти табиий географик жойлашиши жиҳатдан жуда қулай минтақада жойлашган ҳудуд бўлиб, биологик хилма-хил турларга эгадир. Вилоятда, Зомин миллий табиат боғи, бир қанча ўрмон хўжаликлар, тоза ичимликка яроқли бўлган иккита ер усти сув ҳавзаси

(Зомин сув ва Сангзор дарёлари)га эга. Зомин миллий табиат боғи, Зомин ўрмон хўжалиги ва Зомин давлат кўриқхонаси ҳудудлари, Туркистон тоғ тизмаси ён бағрида 800 дан ортиқ ўсимлик турлари, Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган 20 дан ортиқ доривор ва эфирмер, 15 хил тур декоратив ўсимлик турлари тарқалган. Ноёб ўсимлик турларидан Туркистон арчаси, Туркистон лоласи, Шафран кабилар мавжуд.

Экологик харита орқали ечилиши лозим бўлган муаммолар бу ҳудудларда экотизимни, яъни биологик хилма-хиллигини, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик дунёсини сақлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилашдан иборат.


Ўрта осие минтақасида жойлашган Ғарбий Туркистон, Молгузар тоғ тизмаларининг биологик хилма-хиллигини сақлаш ва ривожлантиришда ўсимликлар қоплами харитасини тузиш, тоғ тизмаларининг ўсимликлар қопламининг ҳозирги ҳолатини космофотосуратлар (КФС) дан фойдаланиб тадқиқ этиш:

1. Тоғ тизмалари тасвирга олинган КФС лар, топо, тематик ва репер хариталар, фонддаги илмий манбалар маълумотларни тўплаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўсимликлар қопламининг олдинги ҳолатини аниқлаш;

2. Ўсимликлар қопламининг асосий хусусиятларидан бўлган типологик тузилиш, фитоценологик хилма-хиллиги, минтақалар бўйлаб тарқалишини аниқлаш, таснифлаш ва тавсифлаш;

3. Ўсимликлар қопламининг йирик масштабли харитаси ва унинг кўп босқичли изоҳини регионал топо-типологик тамойиллар асосида ишлаб чиқиш.

Тоғ тизмаларининг ўсимликлар қопламининг фитоценотик хилма-хиллиги ўрганилиб, ўсимликлар қоплами харитаси КФС лардан фойдаланиб йирик масштабда (1:100000) тузилади. Хаританинг топо-типологик изоҳида картографик бирликларнинг минтақалар бўйича тарқалиши ва антропоген бирликлар кўрсатиб берилди. Ғарбий Туркистон тоғ тизмасида ўсимликларнинг тип, кенжа тип, ценотип, формация ва ассоциациялари таснифланади. Шунингдек, тарқалган ўсимликлар турлар рўйхати кўрсатиб ўтилади.



Тузувчилар: Камолов Ш, Тиркашева М.Б.

Хариталардан фойдаланиб чўл минтақаларида саксовулзор, буюртмахоналар ташкил этиш, алоҳида муҳофазага олиш ишлари амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир. Саксовулзор ва буюртмахоналарни ташкил этиш билан: биринчидан чўлранишнинг олди олинса, иккинчидан ҳар турдаги ҳайвонларга ва қушларга яшаш шароит вужудга келади. Муҳофаза этиладиган ҳудудлардаги ҳайвон турларининг яшаш жойлари аниқланиб, харита ишлаб чиқилади.

Вилоятдаги шаҳар, туман марказларидаги маҳаллалар бўйича экологик харита ишлаб чиқилади. Экологик харитада аҳоли яшаш пунктларининг яшил ўсимлик билан қопланиш даражаси, квадрат метрда тақсимланиши, оқар сув таъминоти билан таъминланганлик ҳолати, чиқиндилар тўплаш жойлари аниқланади. Аҳоли ҳудудининг яшил ўсимлик билан

копланишини тўлиқлигини таъминлаш учун қайси ҳудудга қанча миқдорда дарахтлар экилиши тўғрисида чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Экологик харита ишлаб чиқиш орқали шаҳар ва туман марказлари аҳоли пунктларида атроф муҳит соғломлашади. Экотизим яхшиланади. Биологик хилма-хиллик сақланади.

Экологик хариталар ишлаб чиқиш орқали ҳудуднинг экологик ҳолати баҳоланади, атроф муҳит ҳолати соғломлашади.

*Адабиётлар рўйхати:*

1. Эргашев А.Э., Эргашев Т.А., Абдужабаров Н.А. *Основы экологии*. Т. 2005.
2. Эргашев А.Э. *Общая экология*. Т. 2003.
3. Эргашев А.Э. *Гидроэкология*. Т. 2003.
4. *Национальный доклад о состоянии природной среды Узбекистана*. Т. 2009.
5. Бекназов Р.У., Новиков Ю.В. *Охрана природы*. Т. 1995.
6. Валуковис Г.Ю., Мурадов Ш.А. *Основы экологии Том I Общая экология Книга I* Т. 2001.

## **ТАШҚИ МУҲИТ АТМОСФЕРАСИ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ГЕОМЕТРИК НИВЕЛИРЛАШ ИШЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.**

*А.С.Суюнов-т.ф.д., профессор (СамДАҚИ), Ф.Н.Алиқулов-доцент (ҚарМИИ),  
М.К.Исаков-магистрант (СамДАҚИ).*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги ва замонавий технологияларни, фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибаларни ҳаётга жорий этилмоқда. Бу борада геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантириш учун кўплаб давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Геодезия ва картография тўғрисида”ги давлат қонунида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–3502–сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483–сонли қарори Республикамизда халқ хўжалигини геодезия, картография ва кадастр соҳаларида илмий ва амалий ишлар кўламини кенгайтириш долзарб вазифалардан бири эканлигини белгилаб берди.

Юқори аниқликдаги геодезик ишларни олиб бориш жараёнида ташқи муҳит таъсирини йўқотиш ва уни камайтириш юзасидан кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб борган. Ташқи муҳит атмосфераси ҳолатини кузатиб, унинг геометрик нивелирлаш ишларига таъсири ўрганиш борасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон шароитида геометрик нивелирлаш ишларини олиб бориш учун йилнинг қайси фаслида ва куннинг қайси вақтида бажариш кераклиги атрофлича ёритиб берилди.

Рефракция деб ҳар хил ҳаво зичлигининг вертикал ва горизонтал силжишига айтилади. Нурланиш манбаи ва ёруғликни қабул қилувчи ерни сиртки қаватида жойлашган, баъзан ер рефракцияси деб аталади.

Ферм усулида  $A$  нуқтадан  $B$  нуқтага оптик нурланиш оптик қисқа нурланиш билан тарқалади:

$$\int_{AB} n ds = \min \quad (1)$$

Унда  $n$  -йўл кесмида ёруғликнинг синиш кўрсаткичи

$$n = \frac{c}{b} \quad (2)$$

Бунда  $c$  ва  $b$  бўшлиқда ва маскур муҳитда ёруғлик тезлиги,

$$\int_{AB} n ds = \int_{AB} \frac{c}{b} ds = c \int_{AB} \frac{c}{b} dt = \min \quad (3)$$

Ферм усулида ёруғлик қисқа вақт кетувчи йўлда тарқалади.

Йоруғликнинг тарқалиш эгрилиги фазовий тўсиққа учраш эгриликдир. Агар фараз қилиб уни вертикал ва горизонтал текисликга жойлаштирсак бу эгриликнинг горизонтал ва вертикал таркибини кўришимиз мумкин. Вертикал текисликдаги бурчакларнинг ёруғликни қабул қилиш ва нурланиш нуқталаридаги вертикал проиқсиялар вертикал рефраксия бурчаклари деб аталади.

Рефракция амалиётида муҳим тушинчаларидан бири рефракцион майдон тушинчаси ҳисобланади. Рефракцион майдон тушинчаси ҳавонинг синиш кўрсаткичларининг фазовий тарқалиши  $n$  тушинилади. Рефракция баъзи  $t$  вақтда мавжуд бўлмайди агар атмосфера синиши кўрсаткич майдони (рефракцион майдон) шартли кониктирса:

$$n(x, y, Z) = \text{const} \quad (4)$$


Рефракция ходисасини келтириб чиқаради, яъни ёруғлик нурлари қиймати рефракцион майдон синиш кўрсаткичининг кўпроқ ўзгариши, катталиги ва йўналиши билан характерланади. Яъни синиш кўрсаткич градиенти вектори билан белгиланади. Шунинг учун рефракцион майдоннинг кўпинча  $\text{grad } n$  майдон деб аталади.

Нивелирлашнинг берилган чизиғи бўйлаб синиш кўрсаткичларининг ўзгариши  $S$  масофага пропорционал, яъни  $\frac{dn}{ds}$  бўлса, у ҳолда, доимий катталик майдон бир турдаги рефракцион майдон деб аталади. Бир турдаги майдон бир турда бўлмаган майдоннинг алоҳида ҳолатидир яъни ундаги майдонлар  $\frac{dn}{ds} \neq \text{const}$  бизни вертикал яссиликдаги рефракцион майдон қизиқтиради.  $ZOX$  (1-расм).

Агар координаталарнинг тўғри бурчакли тизими ўқида  $\frac{dn}{ds}$  ни лойихалаштирсак, у ҳолда  $\text{grad}$ :  $\frac{dn}{dz}$  ва  $\frac{dn}{dx}$  лойиҳасини оламиз координаталарнинг тўғри бурчакли тузишнинг шундай қўядики,  $OZ$  ўқ  $\text{grad}$  йўналишига тўғри келади; унда

$$\frac{dn}{dz} = \frac{dn}{ds} \text{grad} \quad (5)$$

$$\frac{dn}{dx} = 0 \quad (6)$$



1-расм. Рефракциянинг ярим ва тўла бурчаклари.

Атмосферанинг аниқ рефракцион майдонида  $\text{grad } n$  ҳар бир нуқтада тахминан тик йўналтирилган чизиқ йўналишига тўғри келади. Ўқларнинг бундай ориентирлашда синиш кўрсаткичининг аҳамияти ( $n$ ) обцисса ўкининг исталган нуқтада қўйидаги формула орқали топилади.

$$n = n_0 + \frac{dn}{dz} (Z - Z_0) \quad (7)$$

Унда  $n_0 - Z_0$  абсциссали нуқтадан синиш кўрсаткичидир.

Атмосферанинг ер устки қатламидаги аниқ рефракцион майдон бир хил эмас, агар сутканинг маълум қисмининг ҳисобга олмасак, бир хил бўлмаган майдон учун ва  $\text{grad } n$  нинг  $OZ$  нуқта билан устма уст тушиши, қаторлар кўринишида ифодаланади.

$$\frac{dn}{dz} = \left(\frac{dn}{dz}\right)_0 + \left(\frac{dn}{dz}\right)_0 (Z - Z_0) \quad (8)$$

$$\frac{dn}{dx} = \left(\frac{dn}{dx}\right)_0 + \left(\frac{dn}{dx}\right)_0 (x - x_0) \quad (9)$$

